

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультет

Тарих кафедраси

Абдуллаев Сардорнинг (37-13 гуруҳ)

В 5120300- Тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун ёзилган

«ДУНЁДАГИ МАШҲУР МУЗЕЙЛАР: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ»
мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: Маматов Ш

Гулистон – 2017

РЕЖА

КИРИШ

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1-БОБ. МУЗЕЙЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

- 1.1. Музейларнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти
- 1.2. Тарихий музейларнинг пайдо бўлиши
- 1.3. Ўзбекистон музейлари – тарихимиз кўзгуси

2-БОБ. ДУНЁДАГИ МАШҲУР МУЗЕЙЛАР

- 2.1. Дунёдаги энг яхши музейлар ўнталиги
- 2.2. Франциядаги Лувр музейи – жаҳондаги энг нуфузли музейдир
- 2.3. Дунёдаги энг гўзал музейлар
- 2.4. Дунёдаги 10 та энг эски музейлар

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда, янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб вазифа бўлиб турибди. Айниқса, вояга етиб келаётган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда эса музейларнинг ўрни беқиёсдир. Музей — бу табиий-илмий, тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш учун, музей предметлари орқали маълумотлар тўплаш ва тарқатиш учун мўлжалланган, серқирра фаолиятга эга бўлган ижтимоий ахборот муассасасидир. Музей табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларини ашёлаб, ўз материалларини комплектлайди, сақлайди ва илмий, таълимий-тарбиявий ва тарғибот мақсадида фойдаланади. Музейшунослик — бу ижтимоий ахборотларни, илмий ва кечинмаларни музей предмети, музей иши орқали билиш ва билдириш жараёнини ўрганувчи фандир. Музейшунослик — бу ижтимоий муассаса сифатида музей фаолияти ва уни турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда амал қилиши формаларини ўрганувчи ижтимоий фандир ва у ижтимоий ёки табиий-илмий маълумот ташувчи, билим ва кечинмалар, тарихий-маданий қадриятларнинг манбаи, миллий мероснинг бир қисмидир.

Музейлар ихтисослик йўналишига кўра тарих, табиат, археология, адабиёт, санъат, спорт, тиббиёт, техника каби кўплаб ихтисослик музейларига бўлинади. Катта-кичиклигига, мақомига кўра эса Давлат марказий музейлари, ихтисослик йўналишида республика аҳамиятидаги давлат музейлари, вилоят ўлкашунослик музейлари, вилоят аҳамиятидаги ихтисослик музейлари, юқорида айтилган музейларнинг филиаллари. Бундан ташқари туман, шаҳар миқёсидаги музейлар, корхона ва муассасалар қошида фаолият кўрсатаётган музейлар. Мактаб музейи ўз мақомига кўра муассаса қошида фаолият юритувчи энг қуйи бўғинда ҳисобланади ва мактаб

тасарруфида бўлади. Тарихни билиш, англаш учун китоб ўқишнинг ўзи етарли эмас. Тарихни моддий ашёлар орқали кўрмоқ ҳам керак. Бунда тарихий, маданий ёдгорликлар хазинаси бўлмиш музейлар катта рўл ўйнайди. Чунки, музейлар дунёқарашни шакллантиришда таъсирчан воситадир. Улар қизиқтириш ва ишонтириш хусусияти бўлган ашёларга, кўрғазмаларга эга. Музей ўзидаги экспонатлар ёрдамида тарихни, миллий анъаналаримизни, урф — одатларимизни ҳаққоний ва рўй-рост кўрсатиб бера олади. Музей тарихни ўрганишда ва билимларни ёйишда ашёвийлик ва кўрғазмалилик тамойиллари билан афзал. Инсонни тарих билан тарбиялашда музей вазифасининг ўзига хос томони шундаки, у тарихий-маданий ёдгорликларни, бу бойликларни яратган инсон меҳнатини кадрлашга ўргатади. Музей тарихий мероснинг эстетик қимматини, ижтимоий аҳамиятини, уларни келажак авлод учун сақлаб қолдириш зарурлигини англашга ёрдам беради. Музей экспонатларининг китобдан фарқли хусусиятлари бор. Хусусан, улар киши кўз ўнгида икки томонлама намоён бўлади; биринчидан, тарихнинг гувоҳи, тарихий далил сифатида. Иккинчидан, экспонат орқали томошабин ўша давр билан тўқнашади, ўша тарихий даврга кириб қолгандай бўлади ва тарихни бор бўйича ҳис қилади. Шу тариқа музей материалларининг ахлоқий-тарбиявий таъсирчанлиги ошади. Гўзаллик дунёни қутқаради деган гап бор. Киши гўзал, нафис ва мафтункор нарсанинг олдидан лоқайд, беъэтибор ўтиб кета олмайди. Шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, музей ўзининг гўзал, антиқа ва ажойиб экспонатлари ёрдамида кишини эзгуликка, меҳр-шафқат ва инсонпарварликка ўргатади. Инсоният цивилизацияси экологик муаммолар гирдобидида яшамоқда. Биз она табиатга нисбатан қанчалик шафқатсиз бўлсак, бир кун келиб табиат биздан албатта "ўч олиши" ни ёш авлодга кўрсатиш ва тушунтириш музейларнинг яна бир муҳим вазифасидир. Жамият маънавий қиёфасида диннинг ўрни беқиёс, ўлкамиз музейларида дин ҳақида, хусусан, зардуштийлик ва ислом динлари билан боғлиқ ашёлар ва маълумотлар кўп.

Улар диний анъаналар орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни кўрсатишга имкон беради. Ҳаммамизга маълумки, ислом тарихи, ислом маданияти-бу халқ тарихи, халқ анъаналарининг ажралмас қисмидир. Буларсиз ватанамиз тарихини ҳам, ўтмиш маданий меросимизни ҳам ўрганиб бўлмайди. Маданият, тарих ғойибдан пайдо бўлмайди, у мавҳум нарса эмас. Маданият ўтмиш авлодлар эришган барча ютуқларнинг маҳсули. Музейларда худди ўша тарихдан ҳикоя қилувчи жонсиз гувоҳлар сақланмоқдаки, уларни бориб кўрмасак, ўрганмасак, ғурурланмасак ва завқланмасак тарих тўғрисида билимларимиз кемтик бўлиб қолади¹. Шундай экан, биз педагоглар баркамол авлодни тарбиялашда, уларга бой тарихий меросимизни, ота — боболаримиздан қолган анъана ва урф — одатларимизни мунтазам равишда таништириб боришимиз ва уларни чуқур ўргатишимиз лозим деб ўйлайман.

Жаҳонда музейлар кўп. Уларнинг йўналиши, кўриниши, майдони, ташриф буюрувчилари сони хилма-хилдир. Дунёдаги машҳур музейлар одатда тарихий жойларда ва тарихий биноларда жойлашади. Бироқ сўнгги йилларда музейларни замонавий услубда қурилган биноларда жойлаштиришга мойиллик катта. Дунёдаги энг машҳур музейлар билан кўз ўнгида илож бўлмаса, сиртдан танишиш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи бунда биз жаҳон маданиятининг дурдоналари билан танишамиз. Шу жиҳатдан келиб чиқадиган бўлсак, танлаган мавзумиз долзарб ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишнинг мақсади дунёдаги энг машҳур музейлар ҳақида ахборот беришдан иборат бўлиб, бу борада олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- музейларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг аҳамиятини очиб бериш;
- тарихий музейларнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумот келтириш;
- Ўзбекистон музейлари ҳақида маълумот бериш;
- дунёдаги энг яхши музейлар ўнталигини таҳлил қилиш;

¹ Ахмаджанова Қ. Бола шахсини тарбиялашда музейлар орқали уларга миллий анъаналаримиз ва урф - одатларимизни сингдириш.// Инсон ва қонун. 2012.№2.с.17-18.

- Франциядаги Лувр музейи – жаҳондаги энг нуфузли музей эканлиги кўрсатиш;

- дунёдаги энг гўзал музейлар ҳақида маълумот келтириш;

-дунёдаги 10 та энг эски музейларни санаб бериш

Ишдаги янгиликлар. Мазкур битирув-малакавий ишда сўнгги маълумотларга таяниб, дунёдаги энг машҳур музейлар ўнталигини, дунёдаги энг эски музейлар ўнталигини, дунёдаги энг гўзал музейларни келтирдик. Шунингдек, музейларнинг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув-малакавий ишда келтирилган маълумотлардан Музейшунослик, Жаҳон тарихи, Жаҳон маданияти ва санъати тарихи фанларидан реферат ёзишда, семи нарга тайёргарлик кўришда ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. БМИ Кириш, адабиётлар таҳлили, асосий қисмдаги 2 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Илова тариқасида дсикда тақдимот келтирилган.

Адабиётлар таҳлили. Дунёдаги энг машҳур музейлар ҳақидаги маълумотлар асосан турли Интернет сайтларида мавжуд. Сўнгги йилларда чиққан китоблардан айниқса Москвада 2003 йилда чоп этилган Юренева Т. Ю. нинг “Музей в мировой культуре” китоби бизда яхши тассурот қолдирди. Бу китобда музейлар ҳақида кўплаб маълумотлар бўлиб, китоб ҳажми 590 бетни ташкил қилади. Шунингдек, Ўзбекистонда чоп этилган қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуаларда ҳам қисқача маълумотлар мавжуд. Бу борада гулистон давлат университети ва Жиззах педагогика институти мажмуаларини алоҳида қайд этиш лозим.

1-БОБ. МУЗЕЙЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Музейларнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти

Инсоният тараққиётида содир бўлаётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар одамларни маънавий ва моддий бойликларни ҳар томонлама ўрганишга даъват этмоқда, мамлакат ва умумжаҳон ижодий эстафетасида, яъни меросни сақлаш ва ўрганиш йўлида дунё моддий – маданий хазинасини бойитиб боришга интилишларини кучайтирмоқда. Бу борада музейларнинг аҳамияти каттадир. Музей — кўп функцияли тарихий ўзаро боғлиқликдаги ижтимоий ахборот институтидир. У тарихий-маданий ва асл-илмий ёдгорликларни сақлашга, тўплаш ва музей предметлари орқали ахборот тарқатишга йўналган. Шунингдек, унинг вазифаларига табиат ва жамиятдаги ходиса, жараёнларни ҳужжатлаш, музейни комплектлаш, сақлаш, музей предметлари коллекциясини тадқиқ этиш ҳамда улардан илмий, таълим-тарбиявий ва тарғибот мақсадларида фойдаланиш ҳам киради¹.

Ҳар бир музейнинг ўз нафосати мавжудки, уни тушунмаган ҳолда музейнинг фаолияти самарасиз бўлиб қолади. Музейларда ташриф буюрганларга хизмат кўрсатиш фаолияти ва кўп тармоқли хизматларнинг ишлаб туриши, муҳит ва ёруғликни таъминлаш ҳар бир музейда ўзига хос муҳитни яратишда катта ўрин тутди.

Ҳар бир музейнинг тўплаган ва намойиш этадиган коллекцияси ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Музейлар маданий ҳаётнинг томонларини нафақат акс эттиради, балки ўзича трансформация ҳам қилади. Умуман олганда, музей - зўр муомалада бўлиш учун хизмат қиладиган жой ва қуролдир. Жамият музейларини яратиб, ўзининг ўтмишини кўради ва

¹ Пардаев М.Х., У байдуллаев И.Х. Ўзбекистонда музейлар иши, музей коллекцияларифанидан маърузалар матни. – Жиззах, 2007. 7-б.

ўзини авлодларида ва асрлар мобайнида акс эттира олади. Музей- бу барча кўринишдаги санъат ҳамдир.

Музей сўзи грекчадан келиб чиққан бўлиб, музейон-яъни музалар (оқойимлар- илҳом парилари) қасри деб номланади. Грек афсоналарида музалар Зевс ва Мнемосина худоларининг қизлари ҳисобланади. Мнемосина –хотира мабудаси саналади. Мнемосинанинг 9 та қизи бўлиб, Улар шеърият, фан ва санъатнинг маъбудалари ҳисобланган. Масалан: Клио-тарих, Евтерпа-лирик шеърият, Урания-астрономия, Клеопа-эпос, Талли-комедия, Терпсихора-рақс, Эрато-севги шеърияти, Полигимния-мадҳиялар, Мелпомена-театрнинг мабудди ҳисобланган.

Биринчи прамузейлар санъат ва фан билан шуғулланишга ихтисослашган. Уларнинг интеръерида сақланган экспонатларни ҳозирги Дамашқ ва Қоҳира музейлари мисолида кўриш мумкин. Кичик Осиёнинг Пергам шаҳрида хайкалтарошлик санъати намуналари сақланаётган галерея бўлиб, музей барпо этилган. Бундай ёдгорликларни кадимги Миср, Форс, бобил маданиятларида хасм кузатиш мумкин. XX асрнинг 30 йилларида музейлар таркибида жуда кўп янги хоналар пайдо бўлади. Масалан: махсус мусиқа хоналари, концерт зали ва хк. ¹

XX аср музейларининг асосий сақланувчи омили бўлиб, сунъий ёритишдан кенг фойдаланиш бўлди. Ҳозирги кунда музейларнинг кўпчилиги ташриф буюрганлари мактаб ўқувчилар ва 18-30 ёшгача бўлганлари ташкил қилади. Музейга келган хар бир томошабин кўрган нарсасидан яхши тассурот қолдиришни хоҳлайди. У музейда санъатга янги туйғу топади.

Бадий музейларда тасвирий санъат, хайкалтарошлик, амалий санъат, нумизматика ва бошқа экспонатлар бўлиб, ўзига хос бебаҳо фондига эга.

Музейларнинг хусусиятларини тўғри белгилаш уларнинг амалий фаолияти учун муҳимдир. Бу жамият ташкилотининг ўзига хос жиҳатларини

¹ Пардаев М.Х., Убайдуллаев И.Х. Ўзбекистонда музейлар иши, музей коллекцияларифанидан маърузалар матни. – Жиззах, 2007. 5-б.

аниқ билмаслик улар табиатига умуман тўғри келмайдиган талаблар кўйилишига ёки жамият ҳаётидаги аҳамиятини етарли баҳоламаслик улар фаолиятининг самарадорлиги пасайиб кетишига сабаб булди. Ахборотга бойлик ва билим йўсинининг соддалиги ҳар қандай музей экспозициясига нисбатан қўлланиладиган асосий мезон ҳисобланди.

Тарихда илк музей милоддан илгари III асрда Искандарияда музаларга аталган бинода - Музейонда қадимий санъат ёдгорликлари йиғими сифатида ташкил этилган. Албатта, шунга қадар ҳам ҳар қандай диний йуналишлар, ҳукмдорларнинг саройлари, аслзодаларнинг қасрларида ўз-ўзидан ноёб буюмлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари ташкил этилиб турилган. Масалан, римликлар юнон усталари ясаган буюмларни ниҳоятда кадрлаганлар ҳамда маҳобатли ва амалий санъатнинг турли асарларини йиғиб борганлар. Уйғониш даврида ноёб асарларни, энг аввало антик даврга оид асарларни йиғиш қайта тикланди, кейинчалик машҳур музейларнинг ўзагини ташкил қилган бадиий бойликларни онгли равишда тўплаш бошланди. «Музеум» атамаси ҳам қайта муомалага кирди.

Искандариядаги Музейон музейларга асос солдир десак муболаға бўлмас. У дунёдаги энг биринчи пайдо бўлган музей ҳисобланади. Эрамыздан аввалги 356 - 323 йилларда яшаган, қадимги дунёнинг буюк саркардаси Искандар Макдуний (македониялик Александр) номини шон-шуҳратга буркаган Искандария (Александрия) шаҳрига унинг Мисрга юриши пайтида асос солинган экан. Шаҳар ҳаддан ташқари жадал ўсиб борди.

Буюк Искандар тўсатдан вафот этгач, македониялик саркарпа Птолемей Мисрда ҳокимиятни эгаллаб олиб, дарҳол Искандарияни ўз қароргоҳига айлантди. Шаҳар аста-секин кенгайиб ва гўзаллашиб борди, шу билан бирга, у илм-фан ва санъатнинг ғоятда донгдор марказига айланди, натижада, антик маданиятнинг бутун бир даврига Искандария даври, деб ном берилди. Бу маданиятнинг гуллаб-яшнаши Птолемей авлодининг учта вакили даврига тўғри келди, бунинг сабаби эса, Африкадан бадарға қилинган

фалералик файласуф Дементрийнинг Искандарияга келиши билан боғлиқдир.

Дементрий Птолемейга Искандарияда маданият ва санъат марказини барпо этиб, уни юнонча Мусейон деб номлашни ҳамда мазкур марказда барча қимматбаҳо қўлёмаларни тўплашни, шунингдек, уларни сақлаш, кўчириб ёзиш ва ўрганиш учун олимларни жалб этишни таклиф этди. Дементрийнинг фикри Птолемейга ёқиб тушди ва зрамиздан аввалги 307 йилдаёқ Мусейон тантана билан очилди.

Мусейон қимматбаҳо қўлёмалар ҳеч кимга фойдаси тегмай чанг босиб ётадиган подшо кутубхонаси эмас, балки қадимги дунёнинг ақл-заковат марказига айланди. Фалералик Дементрийнинг ўзи юксак, маълумотли, ажойиб нотик ва стилист эди. У антик матнларга жуда қизиқарди, қадимги муаллифларнинг асарларини пухта биларди. Дементрий, сўзсиз, Серапис маъбудига эътиқодини мустаҳкамлашда катта роль уйнади. Мусейоннинг кейинги фаолияти айна шу Серапис ибодатхонаси билан боғлиқ бўлди. Диоген Лаэртскийнинг маълум қилишича, гуёки Дементрий Искандарияда юрган пайтида кўр бўлиб қолган, сўнгра эса Сераписнинг амри билан яна кўра бошлаган экан. Кейинчалик унинг шарафига Дементрий ўзининг машхур пеаналарини яратган, улар эрамизнинг III асригача ибодатхонада қўлланган¹.

Мусейон, айниқса, Птолемей III Эвергет даврида катта шухратга эга бўлди, у зотни ҳатто Мусикататос, яъни нафис санъатлар мухлиси, деб ҳам атаганлар. Бу ҳокимнинг иккита ишқибозлиги бўлган: фил овини ва қўлёмалар тўплашни жонд дилидан яхши кўрган. У юнон тилида ёзилган ҳамда аҳамиятга молик барча қўлёмаларни Искандариядаги Мусейонда ва ўз кутубхонасида тўплашга аҳд қилади. Пулни аямай нодир қўлёмаларни, иложи бўлса, уларнинг асл нусхаларини сотиб олишга сарфлаган Птолемей III нинг коллекция тўплашга эҳтироси шунчалик кучли бўлганки, у қўлёмаларни ҳатто “ўзига хос” йуллар билан ҳам қўлга киритган. Масалан, у Эсхил, Софокл ва Европид трагедиялари муаллифлик матнларининг давлат

¹ Коен А.А. Рождение музея.М., 1980. С.48-49

ихтиёридаги нусхаларини кўчириб ёзиш мақсадида афиналиклардан вақтинчалик сўраб, бунинг учун уларда улкан миқдорда гаров пули – 15 талант берган, лекин кейинчалик барибир қўлёзмаларни қайтармаган. Ҳатто айёр афиналикларни лақиллатгани учун чин дилдан хурсанд бўлиб, қувонган. Шу тариқа Птоломей III музейон учун икки юз мингдан ортиқ қўлёзма тўплаган. Қадимги дунёнинг ана шу ғоятда буюк кутубхонаси – Искандария кутубхонаси номи билан шуҳрат қозонган.

«Ер тавсифи» деб номланган асари Эратосфеннинг кўп вақтини оларди. Искандариялик кутубхоначи бу йулдаги саъй-ҳаракатлари туфайли кўп ҳисоб-китоб ва улчашларни амалга ошириб, бундан 2200 йил муқаддам ер куррасининг радиусининг узунлиги 6311 километрга тенглигини аниқлади. Ҳозир биз унинг 6371 километрга тенглигини биламиз.

Музейон нафақат машҳур кутубхона балки ботаника ва зоология боғлари, шунингдек, механика устахоналари ҳам бўлган.

Музейонда шеърият билан ҳам кўпроқ шуғулланилган, айниқса, қўлёзмаларнинг турли вариантларидаги зиддиятлар синчиклаб ўрганилган ва тузатилган. Тадқиқотларни олимлар ўзларича амалга оширганлар, лекин уларнинг натижалари биргаликда муҳокама қилинган. Залда файласуфлар ўз таълимотларини баён этганлар, шоирлар шеърларини ўқиганлар, филолог олимлар эса Гомер ва бошқа мумтоз шоирларнинг асарларини баланд овоз билан ўқишган ва шарҳлашган. Айниқса, подшо ҳузурида ўтказилган бахс-мунозараларда кўпчилик олимлар иштирок этишган. Музейонга бошқа мамлакатлардан ҳам олимлар келишган.

Музей тушунчасига аниқлик киритишни давом эттирадиган бўлсак, бу масалага олимлар XVII асрдаёқ аниқлик киритишга ҳаракат қилишган. И.Д.Майорнинг уринишлари бунга мисол бўла олади. У музейда сақланадиган ашёларга тўла, реал, ҳаққоний, қудратли ва узоқ вақт сақланадиган нарсалар сифатида қараган.

XIX асрга келиб фаннинг ихтисослашуви шунга олиб келдики, музейларда сақланаётган ашёларга кўпроқ турли фанларнинг манбалари сифатида санъат асарлари, табиат парчалари сифатида қарала бошланди. Буларнинг барчасини умумлаштирувчи “коллекцион ашё” деган тушунча пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда музей ашёси деганда асл нусхадаги ҳужжатлар аҳамиятига эга бўлган ва музей соҳасига мос тушадиган инсон фаолиятининг натижаси ёки табиат ҳаёти тушунилади. Ҳозиргача фан тўплаган маълумотларга асосланиб, музей ашёси-бу реал воқеликдан ажратиб олинган, музей аҳамиятига эга бўлган, музей тўпламига киритилган ва узоқ вақт сақланиши мумкин бўлган ашёдир. У ижтимоий ёки табиий-илмий ахборотларни ташувчи, билимлар ва руҳий кечинмаларнинг асл манбаи, маданий-тарихий бойлик-миллий мулкнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Айтилганлардан хулоса қилиб, музей сўзига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Музей бу ижтимоий ахборотларни тарихан ўзаро боғловчи кўп функцияли институт бўлиб, маданий-тарихий, табиий-илмий бойликларни сақлашга, ахборотларни тўплашга ва музей ашёлари орқали тарқатишга мўлжалланган. Музей турли жараёнларни, табиат ва жамият ҳодисаларини ҳужжатлаштиради, музей ашёларининг коллекциясини тўлдиради, сақлайди, ўрганади, шунингдек улардан илмий, маърифий-тарбиявий ва ташвиқот мақсадларида фойдаланилади.¹

1.2. Тарихий музейларнинг пайдо бўлиши

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дастлабки музей (Мусейон) эрамиздан аввалги III асрда Александрияда (Миср) пайдо бўлди. У нда асосан санъат ва қадимият ёдгорликлари жамланган эди. Қадимият ёдгорликлари – қурол-яроғлар, қимматбаҳо буюмлар, архивлар ва кутубхоналар эрамиздан аввалди

¹ Сулаймонов А. Музейшунослик. Ўқув-услубий мажмуа. Гулистон, 2011. 17-18 б.

2-чи мингйилликдан бошлаб тўплана бошланган эди. Айниқса йириклар сирасига Ашшурдаги ибодатхона (эр.авв. 2ас р) ва Ниневиядаги сарой (эр.авв. 7 аср) даги кутубхоналар киради. Шунингдек, Шарқда Хитойдаги Инь башоратчиларининг архиви ҳам йирик ҳисобланган. Архив ва қўлёзмалар сақланадиган жойларга ибодатхоналар, подшоҳлар саройлари, уларнинг мақбаралари киради. Икки дарё оралиғида – Ниппурда олиб борилган қазилма ишлари давомида топилган катта бўлмаган археологик коллекция энг қадимги ҳисобланади. Эр.авв. 6 асрда яшаган коллекциячи сопол кўзачада қадимий матн ёзилган тахтачаларни сақлаган, улардан энг қадимгиси эр.авв. 3 мингйилликка оиддир.

Грецияни босиб олгандан сўнг Рим зодагонлари ўз коллекцияларини ташриф буюрувчилар учун оча бошлашди. Император Август Капри оролидаги ўз саройида қадимий қурол-яроғлар жамламасини сақлаган эди.

Музейларнинг ўзига хос илмий муассасалар сифатида тузилиши ҳамда тизимли коллекциялаштиришнинг бошланиши Уйғониш даврига бориб тақалади.

XV асрда яшаган Флоренциялик Л.Медичи ўзининг қадимги қўлёзмалар ва турли қадимиятлар жамламасига “музей” деган ном берган эди. Буюк географик кашфиётлар даври ҳамда ундан кейин бошланган капитализм тараққиёти даври ва дунёвий алоқаларнинг ўрнатилиши даври турли-туман қадимиятлар, қўлёзмалар ва эски китобларни тўплашга кизиқишни орттирди. XVII-XIX асрлар давомида тарихий йўналишдаги йирик миллий ва хусусий коллекциялар пайдо бўлиб, тўлдирилади.

Шу тариқа 1683 йилда Оксфордда Эшмол музейи, 1753 йилда бир катор хусусий жамламалар нег изида Лондонда Британия музейи тузилди. 1862 йилда Францияда қадимиятларнинг Миллий музейи очилди. 1837 йилда эса Париждаги Версаль саройи мамлакатнинг Миллий тарихий музейига айланади.

Кўп ҳолларда Ғарбий Европада XIX аср – XX аср бошларида пайдо

бўлган музейлар В большинстве случаев возникавшие в Западной Европе в 19 — начале археологик коллекциялар ва бадий жамламалардан иборат бўлган. Европадаги энг йирик музейлардаги коллекцияларнинг каттагина қисми (масалан Британия музейида) бошқа мамлакатлар тарихий бойликларини талон-тарож қилиш йўли билан мустамлакачилик босқинлари даврида тўпланган¹.

Замонавий тарихий музейлар кенг тарихий профилга эга (миллий, минтақавий, шаҳар музейлари), ёки уларнинг профили махсус тарихий фанларга мос келади (археологик, этнографик музейлар). Шунингдек, тарихий фаннинг мустақил тармоқларига оид музе йлар ҳам мавжуд (ҳарбий-тарихий музей). Сўнгги йилларда музейларнинг ихтисослашуви чуқурлашмоқда, ихтисосликлар доираларида музейларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга кўпчилик музейларнинг коллекциялари мураккаб тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган, шунинг учун улардан кўпчилиги бадий ёдгорликларни бирлаштиради: картиналар, ҳайкаллар, нумизматик ва археологик жамламалар, этнографик коллекциялар, кўлёмалар, китоблар ва ҳоказо.

Бу эса Лувр, Британия музейи, Метрополитен музейи, Берлиндаги Давлат музейлари, Венадаги бадий-тарихий музей, Эрмитаж каби энг йирик музейларнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Фирмалар ва компанияларнинг музейлари сингари тарихий музейларнинг янги турлари ҳам пайдо бўлмоқда. Мисол учун, шишадан ясалган буюмларнинг энг бой коллекцияси тўпланган АҚШдаги Корнинг музейини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, тоғ-кон ишлари тарихи музейи (Бохумдаги тоғ-кон иши немис Музейи) мусиқа асбоблари тарихи музейи ((Вена, Бадий-тарихий музейи таркибида), илм-фан ва технологиялар тарихи музейи (Прагадаги Миллий техника музейи, Париждаги “Кашфиётлар саройи”, Миландаги

¹ Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. — М.: РУССКОЕ СЛОВО-РС, 2003. С.14-15.

“Леонардо да Винчи” илм-фан ва техника миллий музейи), почта тарихи музейи (Будапешт, Стокгольм), транспорт, самолетлар ва космик кемалар музейи (АҚШдаги Ҳаво ва Космос миллий музейи), ёдгорликларнинг бирон-бир алоҳида турига бағишланган тарихий профилдаги музейлар ва коллекциялар (Париждаги миллий костюм музейи, кўпсонли керамика ва амалий санъат музейлари) ҳам мавжуддир.¹

Замонавий тарихий музейлар сўнгги йилларда мустақил тадқиқотлар, археологик, археографик, этнографик экспедициялар олиб борадиган, энг янги табиий-илмий усулларни қўллайдиган илмий-тадқиқотчилик маркази мақомини олишмоқда. Илмий-тадқиқот институтлари ҳамда турли профилдаги музейларни ўз ичига киритувчи ўзига хос бирлашма бўлиб АҚШдаги Смитсон институти ҳисобланади. Замонавий тарихий музейига мисол бўлиб унинг таркибига кирувчи Миллий Америка тарихи музейи хизмат қилади. У нинг ижтимоий тарихи ва маданият тарихи, илм-фан ва технология тарихи каби бўлимлари бор. Бу ерда америка тарихи бўйича ҳужжатлар, сополчилик, шишасозлик буюмлари, костюмлар, графика, матолар, мусиқа асбоблари коллекциялари, ҳамда миллий филателистик ва нумизматик коллекциялари сақланмоқда.

Тарихий музейлар деб тарихий ёдгорликлар музейлари ҳисобланади. Улар қадимги тарихий-меъморий мажмуаларни ўз ичига киритади. Буларга антик давр шаҳарларининг акрополлари, қирол қасрлари ва саройлари, ўрта асрларга оид қалъалар ва бошқалар киради. Меъморий иншоотлардан ташқари бу ерда ҳайкаллар, рангасвир асарлари, қадимий ҳужжатлар, турли топилмаларни кўриш мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда миллий музей бирлашмалари, ассоциациялари тузилган бўлиб, улар миллий қўмиталар ҳуқуқларига эга ва Халқаро Музейлар Кенгаши (ICOM) га кирадилар. Бу кенгаш доирасида турли қўмиталар фаолият юргизиб, улар музейларни уларнинг профилларига

¹ Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. — М.: РУССКОЕ СЛОВО-РС, 2003. С.16-18.

оид бирлаштиради. Жумладан, Тарихий музейлар Қўмитаси мавжуд.

Археологик музейлар қадимги ва ўрта аср моддий маданияти ва санъати ёдгорликларини сақлайди ва намойиш этади. Археологик музейлар 19 асрда қадимиятларнинг хусусий, сарой ёки черков жамламалари негизида пайдо бўлган. Улардан энг йирикларига Римдаги Миллий ва археологик музейлари, Помпея ва Геркуланум қадимги шаҳарларида олиб борилган қазишмалардан топилмалар сақланаётган Неаполдаги Миллий музей, Афинадаги Миллий археологик музей, Сен-Жермен-ан-Лэдаги Франция Миллий қадимиятлар музейи, Оксфорддаги Эшмол музейи, Қоҳирадаги Миср музейи киради. Йирик археологик жамламалар Лувр, Британия музейи, Берлин Давлат музейлари, Метрополитен-музейида бор.

Ихтисослашувга кўра грек, рим, этруск, галл-рим археологияси музейларини ажратишади (Римдаги Вилла Джулия музейи, Майнцдаги Рим-герман марказий музейи, Лиондаги галл-рим цивилизацияси музейи, Берлиндаги Пергамон-музей, Лувр коллекциялари, Британия музейи коллекциялари, Греция, Италия, Кипр, Туркиядаги кўпсонли археологик музейлар), яқин ва ўрта шарқ археологияси музейлари (Дамашқ музейи, Бағдоддаги Ироқ музейи, Берлиндаги Боде-музей), Узоқ шарқдаги қадимиятлар музейлари ва коллекциялари (Хошиминдаги Археологик музей, Берлиндаги шарқий осиё санъати музейи, Смитсон институтидаги Фрир санъат галереяси), қадимги қадимиятлар ва археология музейлари (Венадаги табиий-тарихий музей, Шлезвиг-Гольштейн музейи, Познан Археологик музейи), сўрта асрларга оид қадимиятлар ва археология музейлари (Прага Халқ музейи, Кюни Музейи), америка археологияси музейи (Вашингтондаги Миллий музей).

Этнографик музейлар турли халқларнинг маданияти ва маиший турмуши, ижтимоий муносабатлари ва ижтимоий тузилмасини тавсифловчи коллекцияларни сақлайди. Этнографик музейлар ва этнопарклар 19 аср охирларида вужудга келган. Музейларнинг бир қисми соф этнографик

(Амстердам ва Стокгольм музейлари, Дания миллий музейи, П. Риверс музейи). Айни вақтда ҳам археологик, ҳам этнографик коллекцияларни бирлаштирувчи музейлар ҳам бор. Антропологик, археологик ва этнографик жамламаларни сақловчи энг йирик музей – 1930 йилда асос солинган Париждаги инсон музейидир.

К ўпчилик этнографик музейлар мустамлакачилик экспансиялари вақтида тузи лган. Африка ва Осиёда очилган бундай музейлар мустамлакачилик маъмуриятининг фарзандлари бўлган, уларнинг мақсади эса метрополиялардаги аҳолини мустамлакалардаги шароитлар билан қизиқтириши ва ўзлари у ерда мавжудликларининг маъносини кўрсатишдан иборат эди. Бундай музейлардаг и кллекциялар бир –бири билан боғлиқ бўлмаган нарсаларни ўз ичига киритган (асосан ниқоблар, ҳайкалчалар, зеб-зийнатлар). Бу топилмалар сайёҳлар, миссионерлар, мустамлакачи мансабдорлар томонидан тўпланган эди. европада бундай музейларнинг энг йириклари Гарлемдаги Голланд мустамлака музейи, Лейден музейи, Бельгиядаги Марказий Африка музейи.

Ҳозирги кунда анъанавий маданиятнинг миллий шаклларига қизиқиш ортиб бормоқда. Шу билан боғлиқ равишда янги этнографик музейлар ташкил топмоқда, тарихий, ўлкашунослик ва бадий музейларда этнографик материаллар намоиш этилиши юксалмоқда. Миллий этнографик музейлар деярли барча мамлакатларда мавжуд.

Ҳозирги кунда жамият ҳаётида, халкни фан ва маданият билан яқиндан танишувида, илм-фан ва маданият ривожиди, шунингдек халк маорифида музейларнинг ўрни табора усиб бормоқда. Бу соҳада энг асосий уринни шубҳасиз тарихий музейлар эгаллайди. Чунки, тарихий музейлар уз соҳасига кура ижтимоий муаммоларга, жумладан жамият ва табиат тарихи ва келажагига муаммоларига жуда яқин туради. Ҳам у халкнинг таълим тарбиясига жуда катта таъсир қилади.

Европада тарих музейлари дастлаб XVI-XVII асрларда пайдо булган. Бу даврда Европада капиталистик ишлаб чиқариш ривож топа бошлаган, шу билан биргаликда илм-фан, маданият, санъат, техника ҳам ривожланиб бораётган эди. Шунингдек буюк географик кашфиётлар, Коперник кашфиётлари ҳам бу давр одамларини урта аср дунё карашидан воз кечиб, янги давр, янги дунё караш, янги фалсафа томон юзланишга олиб бораётган эди.

Мана шу жуда йирик илмий, рухий уйғониш даврида илмий ва бошқа умумий эътиёжлар турли коллекцияларни пайдо бўлишига олиб келди. Улар алоҳида олимларнинг коллекцияси, “табиатшунослар кабинети”, “нодир буюмлар камераси” каби турли хил коллекциялар эди. Давр утиши билан бу коллекциялар системалашиб, ихтисослашиб борди ва тарихий маданий бойликлар коллекцияси, турли хил харбий курол-арслахалар, санъат асарлари коллекцияси каби коллекциялар ажралиб чиқди. Тарихий музейларнинг ривожланишидаги навбатдаги муҳим кадам XVIII асрнинг иккинчи ярмида куйилди. Бу даврда капиталистик жараёнлар кенг ривож топиб, Европа хаётида катта прогрессив рол уйнаётган эди. Айнан шу даврдаги манбаларни тўплаш ва системаларини дастлабки умумий коидалари пайдо бўлди ва шу тарика музей фаолияти илмий характер касб эта бошлади. Музей коллекциялари илмий тадқиқотларга катта куч бера бошлади, улар учун тадқиқ этиш манбаига айлана бошлади¹.

Музейлар тарихий -маданий, илмий бойликлар қўриқхонасига, техника ютуқлари хазинасига айланиб борди. Шунингдек музейлар буржуазияни маънавий-рухий озиклантиришдан, халқнинг миллий ғурурини оширадиган, унинг урф-одатлари ва тили, маданиятини саклайдиган ва пайдо булган миллий буржуага кувват берувчи кучга айланиб борди, уларнинг миллий озодлик курашида муҳим урин эгаллади. Айнан шу тарика Венгрия миллий

¹ Кириенко Е.М. Исторический музей. М., 1984. 121-123 б.

музейи(1802), Прага миллий музейи (1818) ва Берлиндаги қадимий музей (1828) лар пайдо бўлди.

Германияда музейларнинг ривожланиб боришига кўпроқ Наполеон истилосига қарши олиб борилган миллий-озодлик кураши катта ёрдам берди. Айнан 19-асрнинг 20-йилларида Германия шаҳарларида кўплаб музейлар пайдо бўлди.

Россияда дастлабки музейларни пайдо бўлиши Петр I номи билан боғлиқ бўлса, XIX асрда улар сони кўпайиб ва ихтисослаштиб борди. Мисол учун антик давр археологиясига оид 1811 йили Феодосияда, 1825 йили Одессада, 1826 йилда Керчда музейлар очилган бўлса, XVIII асрдаёқ пайдо бўлган харбий-тарих музейлари кенгайиб, 1805 йили — Денгиз музейи, 1811 йили Интердант музейлари ва келажакдаги Артиллерия тарихи музейи асоси пайдо бўлди.

XIX асрнинг 2-ярмида кенг профилдаги миллий музейлар очиш ҳаракати кучайди. Бунинг асосида археология, этнография фанларининг ривожланиши ётар эди. Улар уз коллекция ва илмий тадқиқотлиарини 1845 йили тузилган География жамаиатида туплар эдилар. Археологик коллекциялар асосида 1872 йили Россия тарихи музейи очилди¹.

Октябрь тунтаришидан кейин ҳокимиятни эгаллаб турган большевиклар ҳукумати музейларга жиддий эътибор берди. 1917 йил ноябрдаёқ Халқ маорифи комиссарлиги “россия ишчилар, дехконлар, солдатлар, матрос ва барча фуқароларга” мурожаат билан чиқиб, барча тарихий миллий қийматга эга бўлган бойликларни сақлаш ва тўплашга чақиради ва уларни ҳақнинг мулки деб эълон қилди. 1918 йил февралдаёқ музей иши ривожига бағишланган бутун Россия конференцияси бўлиб ўтди. 1917-1923 йиллардаёқ 270 та тарихий музей очилди. Собик иттифокнинг марказ ва республикалардаги умумиттифок, республика ва регионал аҳамиятга молик музейлар пайдо бўлди. Собик СССРда ўтган асрнинг 80-

¹ Музееведение. – М., 1988. С.15-16.

йилларида мавжуд булган 2208 тарихий тарихий музейнинг 1359 таси тарихий ва тарих булимига эга булган ўлкашунослик музейлари эди.

Гарчи юкорида таъкидланган ракамлар дабдабали булсада, аслида ахвол бутунлай бошкача эди. Собик мустамлака тузуми музейлардан куйидаги мақсадда фойдаланди.

1. Октябрь тунтаришидан кейинги дастлабки йилларда буржуа маданияти ва мулки сифатида жуда кўп нодир тарихий маданий бойликлар музейларга топшириш бахонасида тортиб олинди ва талон-тарож килинди.

2. 20-30 йилларда эса музейлар тортиб олинган, талон-тарождан омон колган нодир буюмлар, санъат асарлари чет эл валютасини тўплаш мақсадида чет элга сотилди. Демак, аслида улар капиталистик жамиятга хос булган капитал жамгариш вазифасини бажарди.

3. Музейлар коммунистик мафқурани халк онгига сингдириш, халкнинг уз илдизларидан узоклаштириш, уларни коммунистик машинани оддий бир механизмига айлантириш учун хизмат килди.

4. Барча республикалардаги музейлар рус шовинизми билан сугорилди ва аслида руслаштириш сиёсатига мосланди.

3. Тарихий музейлар куйидаги ижтимоий вазифани бажаради:

1. Илмий-хужжатлаш ва кўриқлаш-сақлаш вазифаси.

2. Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси.

- Музей ишини ривожу услубий жихатдан илмий тадқиқ этиш.

- Музей предметларини манба сифатида тадқиқ этиш.

3. Таълим-тарбиявий ишларини олиб бориш вазифаси.

Музей биноларини курилиши тарихи ва эволюцияси. Россиядаги илк музейлар — бу Курол Палатаси ва Пётр I коллекцияси — Кунсткамераларидадир.

XVIII аср 20 йилларида И Маттормов лойихаси буйича курилган Кунсткамерада кутубхона, лаборатория, обсерватория, илмий йигилишлар учун махсус хоналар булган. Кунсткамерада археология ва

этнография буюмлари, тарихий кадрийтлар, илмий характердаги экспонатлар булган. Кунсткамеранинг XVIII асрда қурилиш уз даврининг ўлкан ютуғи эди .

И.В.Еготов лойхаси буйича 1810 йили қурилган Курол палатаси биноси, музей сифатида, уша даврдаги сарой ва жамоат биноларидан деярли фарқи йўқ. Музей буюмлари интерьерда асосий уринда эмас, балки ички безак сифатида фойдаланилган¹.

1755-1763 йилларда И.Г Брюинг лойхаси буйича қурилган Сан-Сисидаги расмлар галерияси, Германиядаги санъат асарлари намойиш этиш учун қурилган илк бинодир. Бу бино бир қават бўлиб, унинг асосий майдонини кўрғазма зали эгаллаган.

XIX асрга келиб музей уз вазифалари мохиятини узгартирди. Илгари ноёб буюмлар йигиндисидан у кенг омма учун мулжалланган тизимлаштирилган ёдгорликлар туплами, маърифий-маданий ташкилот, илм ва санъат даргоҳига айланди.

XVIII асрдан XIX аср 70-йилларигача Германияда кўплаб музейлар очилди.

Улардан кўплари тарихий биноларни ибодатхоналар (Циттоддаги шаҳар музейи, Стендалдаги музей) буржуазия хонадонлари (Висмардаги шаҳар тарихий музейи, Плоцендаги музей), қалъалар (Бельциядаги, Фрайбергдаги музейлар) мослаштириш натижасида вижудга келди. Шу билан бирга янгилари ҳам қурилди: Берлиндаги эски ва янги музейлар, Дрездендаги миллий-галлория.

Россияда бу даврда, 1865 йили Дж. Торичилли томонидан Керчдаги қадимийликлари музей биноси лойихаоаштирилди. 1852 йили янги Эрмитаж биноси (Леопольд Кленц лойхаси буйича) қурилиши битказилди. Усарой комплекси бир қисми бўлиб, Россиядаги ташриф буюрувчилар учун очик булган биринчи тарих- санъат музейи эди. XIX

¹ Кириенко Е.М. Исторический музей. М., 1984. 128 б.

аср 70-йилларидан бошлаб Россиянинг турли шаҳарларида омма учун очик музейлар қурилди.

Россияда император ҳокимияти йўқотилгач, халқнинг маданий-маърифий ҳолатини ошириш мақсадида қўплаб янги музейлар очилди. Мавжуд тарихий бинолар бундай талабни қондира олмасди.

Музей бинокорлигининг қўп асрлик тирихи янги музей биноларни қуришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Музей биноти унинг салоҳияти, вазифаларига мос бўлиши керак. Бу талабларга риоя этилганда, музей ассоциация қилиш орқали белги, символга айланади.
2. Бинони лойihalаштиришда об-ҳаво, ландшафт шароитлари, миллий бинокорлик анъаналарини ҳисобга олиниши керак. Музей очик табиат қуйнида қурилганда бино табиат билан уйғунлашиб кетиши керак.
3. Музей шаҳар ташқарисида қурилганда, бу бино учун транспорт йулларига, туризм учокларига яқин жойларни танлаш керак. Ер ҳудуди катта бўлганида, йирик улчамли экспонатларни очик табиатда намойиш этиш мумкин.
4. Ҳудудларни қуқаламлаштириш транспорт вибрациялари, шовқин, чанг - тузондан бинони ҳимоя этади.
5. Бино ҳудудида музей сарҳадларини имқониятини берувчи қушимча ерлар бўлиши керак.

Тарихий музейлар аксарият қисми илгарилари бошқа мақсадларга хизмат қилган ибодатхона, қалъа, сарой, черков, далаҳовлиларда жойлашган.

Музей учун бинонинг яраш-ярамаслиги, музейшунослик талабларига жавоб бериши қаби омиллар музей очиш учун имқоният ярататди.

Тарихий аҳамиятга эга биноларни музей учун мослаштириш мушкул масаладир. Бирок тарихий биноларнинг узга бинолардан кура тарихий. экстетик салохияти йирикрокдир.

Тарихий аҳамиятга молик бинолардан музей сифатида фойдаланиш бино ички интерьери сақланганлигига боғлиқдир. Агар интерьер сақланиб қолган бўлса ва у санъат аҳамиятига эга бўлса, бу музей очилишига тускинлик қилади.

Интерьер сақланиб қолган тарихий ёдгорликларда қуйидаги ҳолларда музей очилиши мумкин¹:

- интерьер ва намоёиш этилаётган музей буюмлари уртасида хронрологик боғлиқлик бўлса;
- интерьер аниқ бир тарихий воқеа билан боғлиқ бўлса;
- интерьер аниқ бир тарихий шахс билан боғлиқ бўлса;
- интерьер мустақил ҳолда тарихий, санъат кадрили намоён эта ола.

Айрим музейлар улар жойлашган бинолар билан узвий боғлиқдир. Булар биринчи навбатда, сарой — музейлар, мемориал музейлардир. Бундай музейлар бошқа биноларга қучирилиши мумкин эмас².

Ҳулоса қилиб, шунини таъкидлаш жоизки, музейлар ўз ихтисослашувига кура қуйидагиларга бўлинади³:

1. Тарихий музей — баъзасида тарихий фанлар мавжуд бўлган барча музейлар, кенг профилдаги тарихий, археологик, этнографик, муизматик, ҳарбий-тарихий, иқтисодий-тарихи, таълим-тарбия тарихи, махсус тарихий музейлар (мисол учун спорт) қиради.

2. Бадиий музейлар — санъат ва санатшунослик характериға эга бўлган барча музейлар; мисол учун тасвирий санъат музейи.

¹ Музееведение.Музей исторического профиля.М., 1988.

² Пардаев М.Ҳ., Убайдуллаев И.Ҳ. Ўзбекистонда музейлар иши, музей коллекцияларифанидан маърузалар матни. – Жиззах, 2007.64-65 б.

³ Пардаев М.Ҳ., Убайдуллаев И.Ҳ. Ўзбекистонда музейлар иши, музей коллекцияларифанидан маърузалар матни. – Жиззах, 2007. 12-13 б.

3. Махсус тарихий музейлар — фаолияти махсус фанлар доирасидаги музейлар; биологик, ботаник, зоологик, геологик, экологик.

4. Техника музейи — техника фанларга боғлиқ музейлар; саноат, политехник, автотранспорт, алоқа ва бошқалар.

5. Адабиёт музейи — ёзувчилар ҳаёти ва фаолиятига доир булган адабиёт ривожланишига қаратилган барча музейлар.

6. Комплекс музейлар — икки ёки ундан кўп соҳага ихтисослашган музейлар.

Маданий алоқаларда музейларнинг дунё маданиятларини ўзаро бойитиш ҳамда халқлар уртасида ўзаро ишончни ривожлантиришдаги ўрни бекиёсдир. ЮНЕСКО буйича халқаро марказ-ИКОМ ташкил қилинган ҳам музейнинг жамиятда ушиб бораётдан мавқеидан далолат боради. ИКОМ халқаро миқёсида турли ихтисосдош музейларнинг иш тажрибасини ўзаро алмашинишга хизмат курсатувчи марказ сифатида юзага келди. Унинг асосий вазифасини қуйидагилар ташкил этади:

а) музейлар ва музейшунослик буйича айрим мутахассислар ишини координациялаш ҳамда уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш;

б) жаҳондаги барча музейлар ҳамда музейшунослик буйича айрим мутахассисларни халқаро ва маданий-оқартув ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашга жалб этиш;

в) халқлар уртасида ўзаро танишув ва ҳамкорликнинг мустаҳкамлаш.

Бу вазифаларнинг музейшунослик буйича халқаро семинарлар, конференциялар, командировкалар ташкил қилиш ва тадқиқотлар утказиш йули билан амлга оширилади.

Халқаро музей кенгашининг олий органи -Бош Ассамблея 3 йилда бир марта чақирилади.

1.3. Ўзбекистон музейлари – тарихимиз кўзгуси

Музейларнинг жамият маданий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта – у кишиларнинг миллий онгини шакллантиришда муҳим омил вазифасини касб этади. Яхши биламизки, ўз ўтмишини унутган халқнинг келажаги йўқ. Аждодларимиз яратган буюк мерос, маданий-маърифий бойликлар халқимиз айниқса, ёш авлод учун катта тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади. Ҳукуматимизнинг музейлар фаолиятига оид қарорларида халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш-катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, давлатимиз музейлар фаолиятини ривожлантиришга ва ёдгорликларни тиклашга аҳамият бераётганлиги туфайли бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда. Пойтахтимизнинг Амир Темури хийбони ёнида Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозирги кунда мазкур музейнинг довуғи жаҳонни лол қолдирмоқда. Тошкентга хориждан келган сайёҳлар мамлакатимиз билан танишувни шу музейдан бошлашади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар буйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та адабий, 1 та табиий илмий музейлардир.

Республикадаги мавжуд 3 та музей кўриқхона Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларида жойлашган. Булар Самарқанд Давлат музей кўриқхонаси, Бухоро Давлат музей кўриқхонаси ва Хивадаги “Ичон-Қалъа” давлат музей кўриқхоналаридир. Тизимда, шунингдек, тасвирий ва халқ амалий санъатининг нодир намуналари сақланаётган Давлат санъат музейи, Республика халқ амалий музейи ҳамда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

1969 йилдан Урганч шаҳрида , 1979 йилдан Ангрен ва Сирдарё шаҳарларида бадиий галереялар ишлаб турибди. Фарғона вилоятида, Қўқон шаҳрида, Жиззах вилоятидаги ўлкашунослик музейларида ҳозирги кунда санъат бўлимлари очилган. Умуман олганда, ҳозирги даврда музейларимизда табиат, илмий оқартирув, санъат, заҳира, тарих бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимлар томонидан ташкил этилган кўрғазмалар савияси давр талабига мос равишда юксалтирилмоқда. Буни музейга қизиқувчилар доираси кенгайиб бораётганлигидан ҳам билишимиз мумкин.

Республикада табиий илмий мақомга эга бўлган ягона Табиат музейи 120 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

1999 йил 1 январгача бўлган маълумотларга қараганда, республика музейлари фондида 1.305.786 экспонат сақланмоқда. Ўтган йил давомида уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинган.

Республика музейлари умумий майдонлари - 137 150,4 кв м, экспозиция майдони – 56 195,5 кв м., фонд сақланаётган майдонлари эса 2.791 кв м., ни ташкил этади.

Музейларди илмий текшириш, тўплаш ва экспозицион ишлардан ташқари турли туман илмий-оқартирув ишлари: экскурсиялар, маърузалар, музей кунлари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, ўлкашунослик викториналари, турли мавзудаги тематик кечалар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Музейларда доимий равишда давлат миқёсидаги Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамларига бағишлаб ҳамда ўлкамиз тарихи, улуг замондошларимиз ҳақида халқ амалий санъати асарларидан иборат этнографик кўрғазмалар ташкил этиб турилади. 1998 йил давомида Андижон вилоятида - 79 та, Тошкент вилоятида - 70 та, Қорақалпоғистон Республикасида - 38 та ва Тошкент шаҳри буйича 37 та кўрғазма ташкил этилиб, кенг жамоатчиликка намоиш қилинди.

Республикамиз музейларига ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1999 йил 1 январдаги маълумотга кўра, музейларимизни 1.655.400 киши келиб кўрган. Вилоятлар буйича бу кўрсаткич қуйидагича: Андижон вилоят музейларини - 356.000 киши, Бухоро вилоят музей-кўриқхонасини -] 80.000, Тошкент вилояти музейларини - 174.000 ва Тошкентдаги музейларни - 176.000 киши томоша қилган.

Вазирлик тасарруфидаги музейларда ҳозирги кунда жами 1746 та ходим фаолият кўрсатмоқда.

1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 618-сонли, 1998 йил 5 декабрда «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги 98-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январ ПФ - 1913-сонли «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатлар Президентимизнинг маънавиятга кўрсатаётган ғамхурлигининг яна бир ифодасидир. Уларда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Маданият ишлари вазирлиги Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Бадий Академия, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва бошқа тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг илмий концепциясини ҳамда музейларнинг ривожланиши ва молиявий таъминоти буйича алоҳида дастур ишлаб чиқди. Ушбу дастурга биноан, Бухоро Давлат музей кўриқхонаси таркибидаги Санъат музейи, Хива «Ичон Қалъа» музей кўриқхонаси таркибидаги Оллоқулихон тими (Ёпиқ бозори), Самарқанд Давлат музей-кўриқхонаси таркибига кирувчи Афросиёб музейи ҳамда Давлат санъат музейларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш, бу соҳадаги

ютуқларни тарғиб қилиш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг илмий ишларини чоп этиш, уларининг касбий малакасини ошириш мақсадида ўзбек, инглиз ва рус тилларида илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали нашр этилмоқда.

Франциянинг Канн шаҳрида И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейининг кўرғазмаси муваффақият билан ўтказилди. Ҳозирги пайтда Япония, Австралия ва Америка Қўшма Штатларидаги музейларда ҳам ушбу кўрғазмани ташкил этиш ҳақида таклифлар тушган.

Чет эллар билан маданий ҳамкорлик доирасида Давлат санъат музейида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Германиянинг 1850 - 1918 йиллардаги портрет фотосурати» номли кўрғазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 366-ф-сонли «Япония ҳукуматининг Ўзбекистон Давлат санъат музейига умумий нархи 38,8 млн. иендан иборат музей жиҳозлари учун ажратган маблағини ўзлаштириш тўғрисидаги» фармойишини бажариш юзасидан ўтказилган тендерда ғлибликни қўлга киритган «Сумитомо Корпорейшн» фирмаси орқали бу музей учун олинган асбоб ускуналар такдимномаси 1999 йил 27 майида ўтказилди. Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси таклифига биноан, Давлат санъат музейида икки мамлакатнинг ўзаро дўстлиги доирасида «Карло Карранинг графикаси ва чизмалари» мавзусидаги кўрғазма ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июндаги 275-сонли Фармойишига биноан, Франциянинг Лион шаҳрида Самарқанд Давлат музей-кўриқхонаси хазинасидан Лион Бурэ асарлари ва амалий санъат намуналаридан иборат кўрғазма уюштирилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари маданият кунлари доирасида пойтахт музейлари ва бир қатор вилоят музейларида кўрғазмалар ташкил

этилди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июндаги «Узбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 315-сонли қарорининг 5-банди ҳамда Тарих институтининг «Узбек халқи ва унинг давлатчилиқ тарихи тадқиқотларини ривожлантириш концепцияси» асосида Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги музейларда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди. Узбекистон Давлат санъат музейи фондида сақланаётган гилам ва заргарлик санъати асарлари кўрғазмаси, Урол Тансиқбоев уй-музейида К.П.Чепраковнинг «Графика ва рангтасвир асарлари» кўрғазмаси ўтказилди.

1999 йил 4-8 мартада Бадий Академиянинг Кўрғазмалар залида «Аёллар йили»га бағишлаб кўрғазма ташкил этилди. Шу йилнинг 27 апрелидан 9 августига қадар Тошкент шаҳар музейлари ходимлари учун илмий-амалий семинар ўтказилди. Германия элчихонаси билан биргаликда Урол Тансиқбоев уй-музейида «Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар» номли китобнинг тақдимномаси ўтказилди. 18 май Халқаро музейлар куни муносабати билан пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда барча вазирликлар тизимидаги музейлар ҳамда пойтахт ва вилоятлар музейларининг ходимлари иштирок этишди. Шу куни саройнинг иккинчи қаватида «Узбекистон музейлари кеча, бугун ва эртага» номли катта кўрғазма ишлаб турди¹.

Республикаимизга хорижий мамлакатлардан (Германия, Италия, Япония, АҚШ, Туркия, Бельгия) ташриф буюраётган давлат делегациялари мунтазам равишда Республика Халқ Амалий санъати, Давлат санъат музейида, Самарқанд Давлат музейқўриқхонасида, Хива «Ичон Қалъа» музей-қўриқхонасида, Фарғона вилояти ўлкашунослик музейларида қабул

¹ www.ziyounet.uz

қилинмоқда.

Музейларда ўтказилаётган тадбирлардан кўриниб турибдики, жонажон она юртимиз - Ўзбекистонда истиқлолнинг ҳаётбахш шабадалари эсмоқда. Халқимиз асрлар давомида олқаб келган орзусига эришди. Собиқ шўролар даврида ўтмишимиз бузиб талқин қилиниб келган бўлса, мустақиллик туфайли аجدодларимиз тарихи, бетакрор маданияти акс этиб турувчи қадимий нодир буюмлар музейларимиз кўркига қурқ қўшиб турибди. Уларда сақланаётган ҳар бир нодир қадимий ашё тарихини ва улар орқали бутун ватанимиз тарихини илмий асослаган ҳолда чуқур ўрганиш, уни кенг омма ва саёҳатчиларимиз онгига сингдириш билан бирга бу бебаҳо бойлигимизни кўз қорачиғидай асраб, келажак авлодларга қолдириш муқаддас, шарафли бурчимиз ва инсоний вазифамиздир. Зеро, она-Ватаннинг кўҳна ўтмиши, бой тарихидан сўзловчи тилсиз гувоҳлар - осори атиқалар макони, тарихимиз кўзгуси бўлган музейлар ҳамиша эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиб ишловчи ва яшовчи ватанпарвар кишилар учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли ишни давом эттирувчи ёш авлод учун доимо беминнат хизмат қилади.

2-БОБ. ДУНЁДАГИ МАШҲУР МУЗЕЙЛАР

2.1. Дунёдаги энг яхши музейлар ўнталиги

ТрипАдвисор маълумотига кўра дунёдаги 10та энг машҳур музейлар 10-талигини эълон қилди. Париждаги Лувр биринчи ўринни эгаллади, шунингдек, ўнталикка американ музейлар ҳам кирган. Сайт музейга ташриф буюрувчилар сони, экспонатларнинг ноёблиги ва қимматбаҳолиги, ҳамда музей жойлашган жойнинг машҳурлигига қараб аниқлади.

1. Лувр музейи- Париж, Франция

Лувр - бу ўрта асрдаги Франция қиролларнинг қасри ва охириги 200 йил мобайнидаги музей. Қаср архитектурасида унинг 800 йилги тарихини кўрсатувчи далиллар қолган. Унда турли экспонатларнинг қимматбаҳо коллекцияси жамланган. Бу ерда Оссурия қасридаги барельефларни (барельефы), миср тасвирий санъатини ва кўплаб бошқа нарсаларни топишимиз мумкин. Лувр коллекциясида қадимги цивилизациянинг, уйғониш даврининг экспонатларини ҳам кўришимиз мумкин. Жамоа учун илк бора музей Франция Инқилоби – 1793 йил, 8 ноябр куни очилган. Қаср марказида американ архитектори томонидан тайёрланган ойнали пирамида кўшилган. Лув ҳақида алоҳида маълумотни кейинги бандда келтирамиз.

2. Ватикан музейи - Ватикан, Рим, Италия

Дунёдаги йирик музейлар орасида Ватикан музейи иккинчи ўринда туради. У ўзида ноёб бинолар ва маданият коллекциясининг нодирлари Леонардо да Винчи, Рафаел ва, албатта, машҳур Сикстик (Сицилиялик) Капеллани ўзида жам этади. Маълумки Ватиканда 800 киши доимий истиқомат қилади. Мамлакат майдони 0.5 квадрат километр. Ватикан музейида эса 19 мингдан ортиқ экспонат бор Шунинг учун майдон бирлигига тўғри келадиган санъат

асарлари сони бўйича Ватикан дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Ватиканда 2 та асосий ажойиб ёдгорлик бор: Авлие Петр Собори ва Ватикан музейи. Унда 1400 та зал, 50 мингта объект бор. Ҳамма экспонатларни кўриш учун 7 километр йўлни босиб ўтиш керак. Ташриф буюрганлар даставвал Сикстин капелласини кўишга интилади. Ваҳоланки, Ватикан музей ва галереялари орасида Миср маданияти музейи, Этруск маданияти музейи, Григориан музейи, Пио Клементино музейи (христиан маданият музейи, 1771-1793 й.й), черков маданияти музейи ("Музео Сакро"), Кьярамонти музейи (1806-1810 й.й.), Миссионер этнологик музейи ва Латеранлик қаср музейлари айниқса диққатга сазовор. Ватикан боғларида Ватикан пинокотека биноси жойлашган, у ердаги 15 та залда XI-XVII асрдаги ноёб италян санъат асарлари йиғилган.

3. Метрополитен -Нью- Йорк, АҚШ

Метрополитен музейига Ғарбий Европа ва Америка рассомларининг ижодлари, Осиё, Африка, Яқин ва Узоқ Шарқнинг бадий санъатининг ҳайкаллари киради. Унинг коллекциясида нафақат рассомлик (Пикассо) нинг ижоди, скульптура ва графика, балки декоратив-амалий санъат ҳам кўрсатилган. Метрополитен Музейи тарихи нисбатан анча ёш: уни американ рассомларнинг жамоаси ва жамоат намоёндалари, улар орасида тарих жамияти аъзолари, Рассомлик Академияси профессорлари, ва тадбиркорларнинг ташабусси билан очилган.

Нью-Йоркдаги Метрополитен-музейидаги бадий жамланма АҚШда энг йирик, ва дунёда энг йириклардан бири ҳисобланади. Бу музейга 1870 йилда хусусий коллекциялар негизида асос солинди. Бу коллекциялар музейга тухфа қилинган эди. Музей 1872 йилда очилди. Метрополитен-музейи таркибида америка рангасвири ва ҳайкалтарошлиги, Узоқ ва Яқин Шарқ қадимги санъати намуналари, қурол-яроғлар, Қадимги Миср санъати, антик давр санъати, ислом санъати, Европа рангасвири ва ҳайкалтарошлиги,

XX аср санъати намуналари, гравюрлар ва литографиялар, мусиқа асоблари намуналари намойиш этиладиган галереялар, китоблар музейи, болалар музейи, костюм музейи киради. Рангтасвир дурдоналари орасида – қадимги юнон вазаларни безаш усталарининг асарлари (жумладан Евфроний ҳам), Уйғониш даври рассомларининг асарлари (Боттичелли, Рафаэль, Я. Тинторетто, Тициан, Я. ван Эйк, Рогир ван дер Вейден, Х.Босх, П. Брейгель Каттаси, А. Дюрер, Х.Хольбейн Кенжаси ва бошқалар) мавжуд. Шунингдек, Рембрандт ишларининг дунёдаги энг йирик коллекцияси (23та картина), Испания рассомларининг асарлари (Эль Греко, Д. Веласкес, Ф. Сурбаран, Ф. Гойя), Голландия рассомларининг асарлари (Я.Вермер, В. ван Гог), Буюк Британия рассомларининг асарлари (Т.Гейнсборо, Дж. М.У. Тёрнер), Франция рассомларининг асарлари (Н. Пуссен, А. Ватто, Э. Мане, О. Ренуар, Э.Дега) сақланмоқда. 18-19 асрлардаги америка рангтасвири Дж. С. Копли, У. Хомер, Дж. Уистлер, Т.Эйкинса ва бошқаларнинг асарларини ўз ичига кириган.

Нью-Йоркдаги Марказий парктаги Метрополитен-музейининг асосий биноси 1894–1902 йилларда қурилган (бош бино, меъмор Р.М. Хант) ва 1905–1926 йилларда (ўнг ва сўл қанотлар, меъморчилик фирма "Мак-Ким, Мид и Уайт") қурилиш давом эттирилган. Метрополитен-музейининг филиали – Форт-Трайон паркидаги “Клуатра” ўрта асрлар санъати музейидир (1926 йилда асос солинган, 1938 йилда очилган).

4.Пол Гетти, Лос- Анжелес, АҚШ

Музейда Ван Гог, Моне ва Сезанна каби ажойиб ишларни эътиборингизга ҳавола этади. 1997 йил декабрдан замонавий Гетти Маркази, Лос- Анжелесда жойлашган. Унинг қурилишига 1.2 млрд доллар (Архитектор Ричард Меер) кетди. Антик даврига оид коллекцияси Гетти вилласида экспонатга қўйилган. Музейга кириш текин. Музейга нефт магнати Дж. Пол Гетти асос солди (1892-1976), вафот этган даврига келиб у

дунёдаги энг бой одам эди.

5. Орсе музейи - Франция, Париж

Орсе музейи (Мусйе д' Орсай) бу Париждаги амалий ва бадий санъат музейи бўлиб, унда 1848-1914 йилдаги энг йирик скульптура ва рассомлик коллекцияси сақланади. Асосан унинг коллекциясига постимпрессионистлар ва импрессионистларнинг ишлари сақланади. Орсе музейининг биноси қурилиш режаси бўйича у темир йўл ва унга туташган мехмонхона, Париж марказидаги Сена дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. У Луврнинг рўпарасида жойлашган, тахминан 1978 йилда бино тарихийга айланди, 1986 йилда эса унда музей очилди. У Италиялик архитектор Гай Ауленти томонидан режалаштирилди.

6. Уффици галереяси - Флоренция, Италия

Италиялик галерея Уффици ёки Галлеиа делли Уффизи - девонхона галереяси деб таржима қилинади. Аслида бу Флоренциядаги 1560-1581 йиллар орасида қурилган қасрдир. Уффиция коллекцияси Медичи салтанати кулагандан кейин ҳам бойитилган. У италиялик санъат усталарининг ижодларини ўзининг архивида жам қилади. Уларнинг орасида Перо делла Франческо, Тициан, Рафаел, Джотто, Леонардо да Винчи, Боттичелли ва бошқаларнинг ижод асарлари бор.

7. Санъат институтининг музейи - Чикаго, АҚШ

Санъат институтининг музейи Иллинойс бадий музейларининг энг хурматлиси ҳисобланади. Кўрғазма коллекцияси франциялик классик санъатидан замонавий бадий санъатгача, 300 000 дан кўпроқ экспонатларни ўзида жам этади. Шунингдек, музей ўз навбатида санъат ва маданиятнинг ўчоғи ҳамдир.

8. Тей (Трейд) замонавий галереяси - Лондон, Буюк Британия

Тей замонавий галереяси 2000 йил, май ойида очилган. Бино 1930 йилги шаҳар марказидаги электростанцияда, Павл соборининг рўпарасида реконструкция қилинган. Электростанция кўринишини сақлаб қолди, аммо ички архетектураси бутунлай ўзгартирилди. Замонавий Трейд галереяси ижод намуналарни анъанавий - хронологик тарзда жойлаштирилишдан воз кечди. Коллекция тўртта йирик бўлимдан: "Натюрморт, предмет, реал ҳаёт", "Пейзаж ва атроф муҳит", "Тарихий рассомлик", "Очиқ натура, ҳаракат, бадан" бўлимларидан иборат. Экспозиция авторлари турли йўналишларни уйғунлаштирган: қадимги усталарнинг ишлари замонавийлар билан, рассомлик ва скульптура фотография ва видеофильмлар билан. Галереяда кўплаб замонавий рассомларнинг кўргазмалари бўлиб ўтади. Баъзи алоҳида кўргазмалардан ташқари музейга кириш текин.

9. Прадо музейи- Мадрид, Испания

Мадриддаги Прадо музейи - Европадаги бадиий санъатнинг энг машҳур бадиий музейи ҳисобланади. Ҳар йилги ташриф буюрувчилар сони 2 миллиондан кўпроқ туристларни ташкил этади. Бугун музейда 8 000дан ортиқ расмлар жамланган, аммо жой танқислиги ҳисобига музейда намоиш учун фақат 2000 иш қўйилган. Расмлар коллекциясидан ташқари музейда 400 мумтоз скульптура ва кўплаб қимматбаҳо ишлар жамланган. Бошида музей испан рассомларнинг кўргазмаси сифатида очилган, лекин вақт ўтиши билан кенгайиб, бугунги кунга келиб Прадо XV-XVIII асрлардаги италян, фламандлик, немис, нидерланд ва французларнинг ижодларини ўзида жамлаган.¹

¹ <http://samogo.net/articles.php?id=2058>

10. Вашингтон Миллий галерея - Вашингтон, АҚШ

Вашингтондаги Миллий санъат галереяси АҚШдаги энг бой бадий жамланмалардан бири ҳисобланади. 1937 йилда Смитсон институти таркибида тузилган, 1941 йилда томошавбинлар учун очилган. Ундаги жамланмалар негизини Меллон, Кресс, Розенвалд, Честер, Дейл ва бошқа миллионерларнинг йирик хусусий коллекциялари ташкил этган. Галереяда Ғарбий Европа рассомчилиги ва ҳайкалтарошлигининг ажойиб дурдоналари сақланади (Рафаэль, Джорджоне, Тициан, Донателло, Дж. Л. Бернини, Ф. Клуэ, Эль, Греко, Рембрандт, Я. Вермер, П. Рубенс, Т. Гейнсборо, Э. Мане, Э. Дега ва б. асарлари), америкалик рассомлар Дж. С. Копли, Г. Стюарта ва бошқаларнинг асарлари ҳам мавжуд. Шунингдек, графика ва амалий безак санъатига оид бой коллекциялар сақланмоқда¹.

Миллий санъат галереяси Вашингтон шаҳрида (Колумбия округи) жойлашган. У Шимолий Америкадаги бошқа кўплаб музейлар каби ҳали 100 йилга тўлгани йўқ. Очилиш маросими 1941 йил 17 март куни бўлиб ўтди. Бугунги кунда галерея иккита бинода жойлашган. Галереянинг эски, ғарбий биноси эски усталар ижоди учун мўлжалланган, шарқий, янги биноси эса замонавий санъат ва XX аср санъати намойиш этилмоқда. Галереяда АҚШда энг йирик ҳисобланган Ғарбий европа санъати коллекцияси жамланган, шунинг учун у дунёдаги тасвирий санъатнинг энг яхши жамламаларидан бири деб ҳисобланади. Вашингтондаги миллий санъат галереясида рангтасвир, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъатининг энг аҳамиятли ютуқлари намойиш этилмоқда, уларнинг даври эса ўрта асрлардан то бугунги кунгача давом этмоқда.

Юз йиллар давомида музейлар ва хуссий коллекциялар аккредитацияси италиялик Ренессанс усталари асарларининг сони ва сифатига қараб аниқланган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳам миллий галерея

¹ <http://www.nga.gov/>

иринчи ўринларда турибди. Бу ерда Фра Беато Анжелико, Пьетро Перуджино, Сандро Боттичелли, Джованни Беллини, Джорджоне каби буюк рассомларнинг асарлари ҳамда Леонардо, Рафаэль Микеланджелонинг бетакрор ижод намуналари сақланмоқда.

2.2. Франциядаги Лувр музейи – жаҳондаги энг нуфузли музейдир

Франция ғарбий Европадаги энг йирик давлат бўлиб, Нормандиянинг совуқ, қояли қирғоқларидан то Ўрта ер денгизининг иқлими илиқ мовий қирғоқларигача чўзилган. Пойтахти — Париж дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан бири. Бундан 2000 йиллар илгари Сена дарёси оралиғида вужудга келган шаҳарда қадимий бинолар ниҳоятда кўп. Масалан, бир пайтлар қирол саройи бўлган Лувр музейи дунёдаги энг йирик ва кўхна мажмуа ҳисобланади.

Дунёга донғи кетган санъат музейи бугунги кунда ҳам Париж шаҳри маркази, Сена дарёсининг ўнг қирғоғи, Риволи кўчасида жойлашган. Мажмуа худуди Лудовик XIV-нинг отлик ҳайкали турган жойдан бошланади. Майдони бўйича жаҳонда учинчи ўринда турадиган музей 160 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Музей зиёратчилар сони бўйича ҳам жаҳонда етакчилик қилади. Луврга ҳар йили 8,5 миллион зиёратчи келади¹.

Қадимги цивилизацияларга оид бебаҳо санъат дурдоналарини ўзида жамлаган музей хазинасида уч юз мингдан ортиқ экспонат мавжуд. Улардан фақатгина ўттиз беш мингтасигина кўрғазма залларида намоиш этилади. Айрим экспонатларга зарар етмаслиги учун ҳар йили маълум бир муддатга экспозицияларга қўйилади. Кенг оммага музей эшиклари илк мартаба 1793-йил очилган. Энг сўнгги техника билан жиҳозланган музей биносига ҳозирда

¹ Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. — М.: РУССКОЕ СЛОВО-РС, 2003. С.286-287

1989-йили меъмор Йо Минг Пей лойиҳасига кўра қурилган ойнаванд пирамида орқали кирилади¹.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Лувр саройи асрлар давомида қурилган. Даставвал, сарой 1190-йили қирол Филипп Август қалъаси сифатида барпо этилган. Кейинчалик шу ердан туриб, французлар Сена дарёси бўйлаб ўтаётган викинглар кемасини кузатишади. 1317-йилга келиб, қирол Карл V уни қароргоҳ қилиб олади. Қирол Франциск I даврида қалъа бутунлай бузиб ташланади. 1546-йилдан бошлаб Пиер Леско, Генрих II ва Карл IX даврларида бино ўрнида янги минора ва мухташам сарой қад ростлайди.

1594 йили Генрих IV Екатерина Медичи буйруғи билан бунёд этилган Тюильри қасрини бирлаштиришга аҳд қилади. Саройнинг тўртбурчак шаклдаги ҳовлисини безатишда меъморлар Лемерсе ва Луи Леволар маҳорат кўрсатишди. Людовик XIII ва Людовик XIV ҳукмронлиги пайтида мажмуа тўрт баробарга катталаштирилди. Уни безашга Пуссен, Романелли ва Лебрэн сингари машҳур рассомлар масъул бўлишди. 1667–1670-йиллари меъмор Клод Перро лойиҳасига асосан сарой ҳовлисига устунлар ўрнатилди.

1682 йили қирол Версал номли қасрга кўчиб ўтгач, Луврни музей шаклига келтириш фикри туғилади. Наполеон I даврига келиб, Персе ва Фонтен томонидан Риволи кўчаси шимолида бошланган қурилиш ишлари натижасида музей ҳудуди янада кенгаяди.

Лувр фондини собиқ қироллик тўплами, шунингдек, монастир, черков ва аслзода оилаларнинг мусодара қилинган тўпламлари ташкил қилди; Наполеон юришларида қўлга киритилган, турли давлатлардан сотиб олинган, кўплаб ҳадя қилинган санъат асарлари билан бойиб борди. Музей 6 бўлимдан иборат: тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик (ўрта асрлар, Уйғониш даври, кейинги давр), Юнон ва Рим ёдгорликлари, Қадимги Шарқ

¹ <http://www.zamondosh.uz/rangin-dunyo>

ёдгорликлари, Қадимги Миср ёдгорликлари¹.

Булар орасида Шарқ ёдгорликлари дунё бўйича муҳим аҳамиятга эга; француз санъати (айниқса, картиналар галереяси) жуда мукамал. Луврда жаҳонга машҳур (Микеланжело, Леонардо да Винчи, Рафаел, Тициан, Рембрандт, Рубенс ва б.) нодир санъат асарлари тўпланган. Музей экспозицияси хронологик тартибда ва миллий мактаблар тарзида, ҳада этилган йирик хусусий тўпламлар алоҳида жойлаштирилган.

Лувр экспозицияларидаги деярли ҳар бир асар қимматбаҳо ҳисобланади. Музейда илк ўрта асрдан XIX асрга қадар ишланган ҳайкалтарошлик ва тасврий санъат асарлари мавжуд. Айнақса, қадимги Шарқ, Миср, Греция ва бошқа маданиятларга тегишли ҳайкаллар, буюмлар, тасвирий санъат ва графика асарларининг баҳоси йўқ. Шарқ тўпламидаги асарлар учга – Мовароуннаҳр; Эрон ва Сурия; Фаластин, Кипр ва бошқа Ўрта ер денгизи мамлакатларидан келтирилган санъат асарлари экспозицияларига ажратилган.²

Масалан, Луврнинг қадимги Миср бўлимида қимматбаҳо тақинчоқ ёки бадий буюмлардан ташқари, дахма ва папирусларни учратиш мумкин. Қолаверса, музейдаги антик давр коллекциялари орасида грек ҳамда қадимги Италия ёдгорликлари ҳам бор. Амалий санъат бўлимида эса турли даврларда инсон кўли билан ясалган буюмлар (мебел, заргарлик маҳсулотлари ва ҳоказо) ўрин олган. Қимматбаҳо тошлар билан безак берилган қирол тожи, қилич, давлат ва қироллик ҳаётини акс эттирувчи ашёлар музейга ташриф буюрувчилар қизиқишини янада орттириши табиий.

Бугунги замонавий Лувр мутассил равишда янгиланиб туради. “Лувр дўстлари жамияти” аъзолари, хайрия ташкилот ва фондлар, қолаверса, хайрихоҳлар томонидан музей учун экспонатлар тўплаш ҳам йўлга қўйилган. Ана шундай экспонатлар сирасига Луврга яқиндагина тақдим этилган

¹ <http://www.zamondosh.uz/rangin-dunyo>

² Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. — М.: РУССКОЕ СЛОВО-РС, 2003. С.289

археологик топилмалар киради. Улар орасида қирол Карл VI тегишли дубулға бўлиб, мутахассислар уни майда парчалардан қайта тиклашга муваффақ бўлишди. Санайверсак, Лувр бағридаги хазиналарнинг адоғига этиб бўлмайди. Айтишади-ку, минг марта эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал, деб. Мабодо, йўлимиз Парижга тушиб қолса, албатта, Луврга кириб ўтиш керак.

Франция пойтахти Парижда жойлашган Лувр музейи ташриф буюрганлар миқдори бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. The Art Newspaperнинг ёзишича, ўтган йилнинг ўзида музейга 8,3 миллион киши ташриф буюрган. Музей хориждан келаётган сайёҳларни кўпроқ жалб этмоқда. Ўтган йили музейга келган ташриф буюрганларнинг 67 фоизи чет эллик меҳмонлардир.

1793 йили очилган Лувр музейи Франциянинг кўп йиллик анъаналарга эга бўлган маданий маскани саналади. Музей директори Анри Луареттнинг маълум қилишича, тарихий анъаналарга таянган ҳолда янада кўпроқ ташриф буюрганларни жалб этиш учун янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда дунёнинг турли шаҳарларида сайёр кўргазмалар ташкил этиляпти. Ҳозирда Бирлашган Араб Амирликларида “Лувр Абу Даби” музейини куриш режалаштириляпти. Бундан ташқари, АҚШнинг Атланта шаҳридаги High Museum билан ҳам ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ушбу лойиҳалардан тушадиган маблағ музейни янада кенгайтиришга сарфланади¹.

Лувр музейида ислом маданияти ва санъатига бағишлаб 2003 йили очилган саккизинчи бўлим ҳам кўплаб сайёҳларни ўзига тортмоқда. Ушбу бўлимни янада кенгайтириш мақсадида араб ва бошқа мусулмон давлатлар билан ҳамкорлик олиб бориляпти.

160 минг 106 квадрат метр майдонни эгаллаган Лувр жаҳондаги энг йирик музейлардан бири саналади. Ушбу масканда Европа, Осиё, Африка

¹ <http://www.ambafrance-uz.org/Luvr-muzeyi-delegatsiyasining>

давлатларининг қадимги даврдан то замонавий тарихга қадар — турли маданий ёдгорликлари сақланади. Музей экспонатлари миқдори 445 мингдан ошади. Улар орасида Хаммурапи қонунлари, Венера ҳайкали, Жоконда (Мона Лиза) сурати каби экспонатлар машҳур.

Лувр музейи президент-директори Анри Луаретт ҳамда унинг маслаҳатчиси Бенуа де Сен-Шама 2011-йил 5-8 май кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Ташриф мақсади - Бухоро вилоятида жойлашган Пайкенд кўхна шаҳрини кўришдан иборат эди. Ушбу тарихий жойда Лувр музейининг Ислом санъатлари бўлими археологи Рукко Ранте раҳбарлигида бир гуруҳ археологлар иккинчи йил давомида қазилар ишларини олиб бормоқдалар.

Франция Элчихонаси маданий ишлар бўлими кўмагида Лувр директори Ўзбекистонлик ҳамкорлари билан ўзининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида музокаралар олиб борди ва Тошкент, Самарқанд ҳамда Бухоронинг асосий музей ва тарихий ёдгорликларини кўришга муяссар бўлди.

Ушбу ташриф туфайли Франциянинг буюк музейи директори Ўзбекистонга бўлган қизиқишини яна бир бор тасдиқлади ва “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Самарқанд Археология Институтини билан ҳамкорликдаги ўзининг археологик фаолияти бўйича режаларини белгилаш имконига эга бўлди. Қадимий ва ўрта арсларда Буюк Ипак Йўлининг муҳим босқичи бўлмиш Бухоро воҳасига бағишланган вақтинчалик кўргазмани кейинчалик Луврда очиш режалари бор¹.

2.3. Дунёдаги энг гўзал музейлар

Ҳар биримиз гўзалликни турлича тушунамиз, ва кўпгина музейлар унинг турли хил таърифларига тўғри келади. Яхши музейлар, табиий материаллардан ёки чироғи ўзгарувчан сиртдан фойдаланиб, у атрофидаги

¹ <http://www.ambafrance-uz.org/Luvr-muzeyi-delegatsiyasining>

муҳитнинг бир қисми бўлиб қолади. Кўп гўзал музейлар, ўзи жойлашган ерларни безаб, дунёнинг турли чеккаларидан туристларни ўзига жалб этади. Қуйида Интернетда дунёнинг энг гўзал музейлари ҳақида маълумотни келтирамиз.

1. Музей MAS, Антверпен, Бельгия

Нойтелингс (Neutelings) ва Ридижк (Riedijk) архитекторлари, дарё қирғоқларида, турган музейга, Ҳиндистондан олиб келтирилган қизил қум ва ойналари ёрдамида, замонавий кўриниш бахш этади. Музей дизайни Антверпеннинг эски портида қўлланиладиган омборхоналарни эслатади. Шунингдек, музейнинг 60 метрли биносига яқиндан қарасангиз, 3185та қумуш қўлларни – Антверпен символи – ни кўришингиз мумкин. Вертикал “ҳиёбон” – бинонинг ойнали спирали бўйича ҳаракатланадиган бир нечта лифтлар, гавань ва барча томларга бўлган ажойиб кўринишни очади ва ярим кечагача очиқ бўлган томга олиб чиқади.

2. Нельсон-Аткинсон санъат музейи, Канзас-Сити, АҚШ

Аввал, оҳақтошдан бажарилган, неоклассицизм стилидаги бино, 1930-йилларда қурилган. 2007 йилда бу музей қайта тикланган бўлиб, у замонавий кўринишдаги шаффоф ойнадан қилинган, 5 куб ёки “линза” ёрдамида кенгайтирилди. Ушбу “линзалар”, “Стивен Холл” (Steven Holl) томонидан ишлаб чиқилган, майсазор бурилишларини такрорлаб, атрофдаги ландшафт билан бир бутунликни ташкил қилади.

3. Ислом санъати музейи, Доха, Катар

Ислом санъат музейи, анъанавий ислом архитектурасига яқинлаштирилган, ўзининг содда ва шу вақтнинг ўзида, динамик дизайни билан кўркемдир. Хира қум рангдаги тошлар, тун келиши биланоқ узун соя соладиган, бешқаватли минорани шакллантиради. Хусусий сунъий орол гаванига қурилган, музей кириш қисмига қатор пальма дарахтлари ва шаршара олиб боради.

4. Миллий санъат музейи, Осака, Япония

Бу музейнинг каттагина қисми ер тагида жойлашган бир пайтда, ойна ва пўлатдан қилинган, унинг кўринадиган ташқи қисми, 50 метр баландлигидаги бу бино унутилмас таассурот қолдиради. Танилган архитектор Цезар Пелли (César Pelli), юқорида тебраниб турган, бамбук камишларини акс эттирмоқчи эди, аммо унинг ижоди қанотларга ҳам ўхшатилади. Чироқ ўйини вестибюльга киради ва кенглиги 3 метр бўлган бетон девор билан ўралган, доимо ўзгариб турувчи галерея маконини яратади.

5. Онтарио Қироллар музейи, Торонто, Канада

Бу музей Канаданинг Торонто шаҳрида (Онтарио провинцияси), Қиролича паркижан шимолроқда, Торонто университетидаги файласуф йўлагидан шарқда жойлашган. Музейга 1857 йилда асос солинган эди. У йирик канадалик маданий ва ҳарбий-тарихий музейдир. Шимолий Америкадаги катталиги бўйича 5-чи ўриндаги музей. Музей коллекцияси 6 миллиондан ортиқ нарсалардан, ҳамда 40 дан ортиқ галереядан иборат. Музей ўзининг динозаврлар, Яқин Шарқ санъати, Африка ва шарқий Осиёдан келтирилган коллекциялар билан машҳур¹.

Дарлинг (Darling) ва Пеарсон (Pearson) маҳаллий архитекторлари, музейнинг илк кўринишини италян неоромантизм стилида 1914 йилда тақдим этишган. У бир неча бор қайта тикланган ва қўшимчалар билан бойитилган, лекин фақатгина 2007 йилда “The Crystal” янги дизайн дебютидан кейин ҳақиқий баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Музейнинг қимматбаҳо тошлари “Дэниел Либескинд” (Daniel Libeskind) ни, пўлат балка, алюминий ва ойнадан ишланган, 5та ўзаро боғланган призмалардан қилинган, деконструктивистик дизайнга илҳом бахш этди. Баъзилар янгиликдан хижолат тортишди, баъзилар бундай дадил ҳаракатни хуш

¹ <http://www.nga.gov/>

кўрдилар.

6. Бильбаодаги Гуггенхайм музейи, Испания

Бу замонавий санъат музейи Нью Йоркдаги Соломон Гуггенхайм замонавий санъат музейининг филиали ҳисобланади. Нервён дарёси бўйида жойлашган. Музейда доимий экспозициялар жойлаштирилган ҳамда испан ва хорижий рассомларнинг келтирилган асарлари асосида кўчма кўрғазмалар ўтказилади.

Акс эттирувчи деворлари билан ўзига жалб этувчи, Франк Гери (Frank Gehry) томонидан лойиҳалаштирилган музей 1997 йилда очилганида, у дарҳол Испаниядаги энг машҳур диққатга сазовор жойлардан бирига айланди. Бино балиқ тери каби кўринишга эга бўлган, ойнали, оҳактош ва титан панеллардан ишланган. Уларнинг органик қайилишлари чироқни тутиб олиш йўсинида бажарилган, 15 метрли атриум эса, бино томида жойлашган, “металлдан ясалган гул”дан чиқадиган, қисман чироқ билан нурга тўлади. Деконструктивизм услубида қурилган музейни меъмор Филипп Жонсон “замонамизнинг энг буюк биноси” деб атади¹.

7. Хедмарк музейи, Хамар, Норвегия

Хедмарк музейи “Мьеса” ороли олдида 1.6 кв километрда жойлашган бўлиб, очик ҳаводаги кўрғазмани, 18 асрда қайта тикланган уйи ва кўкаламзорли боғни акс эттиради. Лекин музейнинг ҳақиқий безаклари бўлиб, қисман 1567 йилда вайрона қилинган, 1150 йилда қурилган собор харобалари ҳисобланади. Бугунги кунга қадар сақланиб қолган, тўртта йирик аркалар, ойна ва пўлатдан ясалган учбурчак тагида жойлашган. Бу жой тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун машҳур жой бўлиб қолди, шунинг учун, ичкарига киришдан олдин бир неча вақт кутишга мажбур бўлишингиз мумкин.

¹ <http://www.nga.gov/>

8. Эрмитаж, Санкт-Петербург, Россия

Давлат Эрмитажи дунёдаги энг қадимги музейлардан бири бўлиб, Буюк Екатерина II томонидан 1764 йилда қурилган, у бта бинодан иборат бўлган комплексни акс эттириб, Нева Дарёси ва Сарой майдони орасида жойлашган. “Қишки сарой” (бутун улуғворлиги билан гавдаланиб, баъзи ҳисоблашларга кўра 1945 тача ойнадан иборат бўлган блокни эгаллайди. Собиқ императорлик резиденцияси икки қават колонналар, олтин гумбаз ва барокко ва рококо стилидаги дабдабали галереялар билан безатилган. Жамланмалар асосан Сарой қирғоқбўйидаги 5та бинода жойлашган - – Қишқи сарой (барокко, 1754–1764 йиллар, меъмор В.В. Растрелли), Кичик Эрмитаж (илк классицизм, 1764–1767 йиллар, меъмор Ж.Б.М. Валлен-Деламот), Эски Эрмитаж (илк классицизм, 1771–1787 йиллар, меъмор Ю.М. Фельтен), Янги Эрмитаж (сўнгги классицизм, 1839-1852 йиллар, меъмор Л. фон Кленце) ва Эрмитажли театрда (классицизм, 1783–1787 йиллар, меъмор Дж. Кваренги), ҳамда Васильевский оролидаги Меншиков саройида (илк барокко, 1710–1727 йиллар, меъморлар Дж. М. Фонтана, Г.И. Шедель ва б.). Эрмитаж жамламасининг негизида Россия император уйи коллекциялари бўлиб, 18 – 20 аср бошларида қимматбаҳо хорижий коллекцияларни сотиб олиш, археологик қазилар ишлари материаллари ҳисобига бойитиб борилган. 1917 йилдан кейин эса Эрмитажга Строгановлар, Юсуповлар, Шуваловлар ва бошқаларнинг миллийлаштирилган жамланмалари жойлаштирилган¹.

Ҳозирги кунда Эрмитажда антик бадиий маданият ёдгорликлари, Шарк санъати, Европа тасвирий санъати ва амалий безак санъатининг бой коллекциялари сақланмоқда (жумладан, Леонардо да Винчи, Рафаэль, Тициан, Джорджоне, Д. Веласкес, Б.Э. Мурильо, Рембрандт, Ф. Халса, А. ван Дейк, П.П. Рубенс, Х.Хольбейн Кенжаси, Л. Кранах

¹ www.arthistory.ru

Каттаси, Дж. Рейнолдса, Т. Гейнсборо, ака-ука Ленен, Н. Пуссен, А. Ватто, Ж.О.Д. Энгра, Э. Делакруа, К. Моне, О. Ренуар, П. Сезанн, П. Гоген ва бошқаларнинг рангтасвирлари, Микеланжело, Ж.А. Гудон, О. Роден ва юошқаларнинг хайкаллари).

9. Милуоки санъат музейи, Милуоки, АҚШ

Кейинчалик “Милуоки санъат музейи” дея номланган, абстракт объект “Модернистлар курашининг хотира маркази”, таниқли архитектор Ээро Сааринен (Eero Saarinen) томонидан яратилган. У бетон ва пўлатдан ишланган салб кўринишида ясалган бўлиб, у гўёки пьедесталда сузиб юрадигандек. Музейнинг ўзига хос томонларидан бири Куадраччи павильони, тиргагичли ва кенглиги 66 метрга етадиган, қанот кўринишида куёшдан сақловчи соябон ўрнатилган, гумбазсимон томли постмодернистик асар ҳисобланади. Кунининг маълум бир вақтида қанотлари очилади, тунда ва булутли кунда эса, йиғилади.

10. Оскар Нимейер Куритиба музейи, Бразилия

Музейнинг расмий номи бразилиялик архитектор, 95 ёшли Оскар Нимейера (Oscar Niemeyer) исмига атаб қўйилган, лекин уни, кўпинча, шакли туфайли “Кўз музейи” деб аташади. Ойнали “Кўз” иморати 2002 йилда битказилган бўлиб, у 18 метрли сариқ устунга таянади, “Кўз”нинг ўзига эса, эгилган узун трап бўйлаб етиб бориш мумкин. Ташқи сиртидаги доимо ўзгариб турувчи осмон акси ва акс этувчи ҳовуз, унутилмас кўринишни тақдим этади. 1967 йилда қурилган, ҳовуз тагидаги эгилган туннель, иморатни асосий бино билан бирлаштиради.

11. Орсе музейи, Париж

Сенанинг чап қирғоғидаги ораста бино бўлиб, 1900 йилда, аввал, темирйўл станцияси сифатида очилган ва фақатгина 1986 йилга келиб,

расман музейга айланди. Ҳайрият, илк архитектур безаклар ва боз-ар стилидаги станциянинг улуғ аркалар, ҳозиргача сақланиб қолган. Ичкарасида, эгилган бочкасимон ойнали потолоклар, табиий чироқ асосий залдаги скульптураларни нур билан таратишга ёрдам беради. Бу ердан, темир йўл музейидан қолган мерос – катта металлдан ишланган соат орқали Сенани кўриш учун, кафедра тўхташингиз мумкин.

12. Форт-Уэрта замонавий санъат музейи, АҚШ

Сокин ҳовузни ўраб турувчи беш павильонлар, япон архитектори Тадао Андо (Tadao Ando) томонидан яратилган. Ясси томли бино, баландлиги 12 метр бўлган, ойнали панеллардан ишланган. Улар экспонатларган табиий чироқни ўтказадилар, шунингдек, шаҳарга ажойиб кўринишни очади. Агар ушбу музейга кундузи боришни ахд қилсангиз, 2600 дан ортиқ замонавий санъат асарини томоша қилиш имкониятига эга бўласиз. Лекин агар музей олдидан кечки пайт ўтадиган бўлсангиз, масалан яқин атрофдаги кафедра стол буюрсангиз, гўёки катта сузувчи чироқчалар каби павильонларни томоша қила оласиз.

13. Австралия миллий музейи, Канберра, Австралия

Говард Раггатт (Howard Raggatt) томонидан қурилган, ушбу чиройли музей, рамзий маънода бир неча турли хил миллатларни ва давлат тарихини бирлаштирувчи арқоннинг тугунни эслатади. Музейга кириш, тугуннинг марказида жойлашган, унинг орқа арқонлардан бири эса, илмоқ шаклидаги 29 метрли ҳайкал – Улура чизиғини ташкил қилади. Ярим айлана шаклига эга бўлган, музейнинг ташқи қисми, Брайль шрифтида сўзлар ёзилган алюминий панеллар билан қопланган.

14. Соломон Гуггенхайм музейи, Нью-Йорк, АҚШ

Фрэнк Ллойд Райт (Frank Lloyd Wright) томонидан қурилган, темир-бетон спираллар кўринишидаги музей, замонавий архитектуранинг ҳақиқий триумфи ҳисобланади. Аммо 1950-йилларда, унинг дизайни шунчали, бегона эдики, у гаражларни қурадиган устанинг қўлига берилди. Текис спираллар

музейнинг ички томонидаги майдончалари бўлиб, ташриф буюрувчиларни бир кўрғазмадан иккинчи кўрғазмага олиб чиқади. Бинонинг ўзи ҳақиқий санъат асари ҳисоблансада, баъзи рассомлар бу музейни ўз асарларини кўрғазмага қўйиш учун мураккаб жой деб билдилар.

2.4. Дунёдаги 10 та энг эски музейлар

Ўтмишда саёҳат қилиш учун вақт машинаси кашф этилмагунча қадар, “замонда саёҳат қилиш” учун яккаю ягона усул – эски музейга ташриф буюриш бўлиб қолаверади. Албатта, китобларни ўқиш ҳам “ўтмишга ўтиб кетиш”нинг усули, бироқ ўтмишдан бизгача етиб келган нарсаларни кўз ўнгида кўриш имкониятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Ўтмишга саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, албатта музейга бориб келинг. Археологик артефактлардан ташқари, музейларда жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган рассомларнинг ижодлари билан ҳам танишиш мумкин.

Дунёдаги энг эски ҳисобланган 10 та музейнинг рўйхатини ҳавола қиламиз.

1) Капитолий музейлари, Рим, Италия

Ушбу музейлар мажмуи бир нечта санъат ва археология музейларини ўз ичига киритади. Ушбу музейни ташкил этиш учун биринчи қадам 1471 йилда қилинган эди. Ўшанда Рим Папаси Сикст IV Рим шаҳрига антик джавр бронзаси коллекциясини тухфа қилган эди. Бу артефактлар Римдаги Капитолий тепалигига жойлаштирилди. 1536 йилда Микеланжело Буонарроти учта сарой ва улар оралиғидаги майдондан иборат мажмуани лойиҳалаштирди. Эндиликда ушбу саройларда коллекциялари 400 йил давомида тўпланган музейлар жойлашган! Капитолий музейларида Ўрта асрлар ва уйғониш даври санъати, қадимги рим ҳайкаллари, ажойиб қадимги рим тангалари, безаклари ва бошқа кўплаб нарсалар мавжуд.

2) Ватикан музейлари, Ватикан

Ватиканда Ватикан музейлари деган ном олган музейларнинг катта мажмуи бор. Ушбу мажмуадаги дастлабки музей 16-чи аср бошларида пайдо бўлди. Биринчи экспонатни Рим Папаси Юлий II 1506 йилда сотиб олган эди. Музей экспонатларининг дастлабки коллекцияси Боржиа Апартаментларида жойлашган эди. Бироз вақт ўтгандан кейин музей учун алоҳида бино қуриш ҳақидаги фармон чиқди.

Бугунги кунда Ватикан музейлари ичида Антик ҳайкалтарошлик музейи, эски кутубхона, Санъат музейи, Ватикан тарихи музейи ва бошқа музейлар бор.

3) Амербах Кабинети, Базель, Швейцария

Дастлаб бу Базель шаҳри 1661 йилда сотиб олган қизхиқарли экспонатларнинг коллекцияси эди. 10 йилдан кейин коллекция ташриф буюрганларга намоиш этилди. Бу воқеа дунёдаги ўша даврда мавжуд бўлган биринчи оммавий музейнинг очилиши бўлди. Ҳозирги кунда музей коллекцияси Базель шаҳрининг бой тарихий ва маданий меросининг бир қисми ҳисобланади. Бу жой эса қизиқарли артефактлар ва санъат асарларини кўриш иштиёқи бўлганларнинг ўзига хос кадамжоси ҳисобланади.

4) Қирол қуроллар палатаси, Лондон, Буюк Британия

Бу Буюк Британиядаги энг эски музей ва дунёдаги энг эски музейлардан биридир. Музейда дунёдаги энг йирик қурол-яроғлар ва кийим-бошлар колекцияси тўпланган. Музей омма учун 1660 йилда очилди, илгари эса коллекция бундан олдин тўпланган бўлса-да, уни фақат қирол меҳмонлари кўриши мумкин эди. Музейдаги машҳур коллекциялар ичида – Ўқотар қуроллар Коллекцияси, артиллерия Коллекцияси, қурол-яроғлар ва кийим-бошларнинг Миллий коллекцияси ва бошқалардир¹.

¹ www.artmuseum.ru

5) Тасвирий санъат ва археология Музейи, Безансон шаҳри, Франция

Бу музей Франциядаги энг эски музей ҳисобланади. У 1694 йилда очилган ва бугунги кунда дунёда ўзининг картиналари артефактлари, мебеллари ва бошқа коллекциялари билан машҳур. Музейда хатто бир нечта мисрлик мумияни ҳам кўриш мумкин. Бу ерда машҳур италян, француз, испан рассомларининг асарлари, турли европача мактабларга оид 5500 дан ортик француз шкаф (жавон)лари мавжуд.

6) Эшмол Санъат ва археология музейи, Оксфорд, Буюк Британия

Англиядаги Оксфорд шаҳрида жойлашган ушбу музей дунёдаги энг эски университет музейи ҳисобланади. 1677 йилда у Элиас Эшмолдан нодир экспонатларнинг биринчи коллекциясини олди. Бир йил ўтгачбу музей учун бино қурилиши бошланиб, 1683 йилда ниҳоясига етказилди. Бугунги кунда музейда бадий ва археологик аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо нарсалар коллекцияси бор. Қимматли экспонатлар орасида инжил манускриптлари, Леонардо да Винчи, Рафаэль ва Микеланжело картиналари, Тернер аквареллари, Лоуренс Арабийнинг костюмини кўриш мумкин.

7) Британия музейи, Лондон, Буюк Британия

Основанный еще в 1753 году, Британский музей является одним из самых старых музеев в мире, имеет самую дорогостоящую коллекцию экспонатов со всего света. В очень красивом здании музея хранятся коллекции экспонатов, состоящие из 7 миллионов предметов. Среди многочисленных отделов музея имеются следующие: отдел Древнего Египта и Судана, отдел греческой и римской античности, отдел Среднего Востока, отдел оттисков и картин, отдел Азии, отдел Африки, Океании и Америки, отдел монет и медалей, отдел Европы и доисторической эпохи, отдел научных исследований, библиотеки и архивы.

8) Уффици галереяси, Флоренция, Италия

Ушбу италян музейи нафақат дунёдаги энг эски музейлардан бири, балки энг машхур музейлардан бири ҳам ҳисобланади. У ҳам ўз коллекциялари билан, ҳам ўз биноси билан машхурдир. Музейнинг асосий ички ҳовлиси – узун ва тор, охирида эса Арно дарёсига бориб тақалади. Бу бино қурилган вақтларда (қурилиш 1581 йилда ниҳоясига етказилган эди) бундай ҳовли конструкцияси ҳеч қаерда учрамаган эди.

Меъморчилик тарихчиларининг ҳисоблашича, бу ҳовли Европадаги энг биринчи шаҳар пейзажи бўлган. Уффици галереяси коллекциясидаги энг машхурлари Леонардо да Винчи, Сандро Боттичелли, Микеланжело, Дуччо ди Буонинсенья, Симоне Мартини, Фра Филиппо Липпи ва Караважо асарлари ҳисобланади.

9) Бельведер, Вена, Австрия

Бу музейнинг экспонатлари Венадаги император оиласи томонидан тўплана бошлаган. Бу сарой комплексининг эгаси шахзода Евгений Савоялик бўлиб, бино ёзги қароргоҳ сифатида қурилган эди. Шахзода вафотидан кейин бу ерда музейга асос солинди. Музейдаги биринчи экспонатлар Гамбург сулоласига мансуб картиналардан иборат эди. Император картина галереяси бундан олдин бошқа жойда очилган эди, сўнг эса Бельведерга кўчирилди. Бу воқеа 1776 йилда содир бўлди. 5 йил ўтгач, галерея ташриф буюрганлар учун очилди¹.

10) Лувр, Франция, Париж

Лувр дунёдаги энг машхур музей, шунингдек, энг йириклардан бири ва энг эскилардан биридир. XII аср охирида Луврнинг биноси қалъа бўлган. Фақат Француз Инқилобидан кейин бинода музейга асос солинди. Расмий равишда музей 1793 йил 10 август куни очилган бўлиб, ўз ичига 537та картинани киритган. Ушбу санъат намуналарининг кўпчилиги илгари бутун мамлакат бўйлаб черковларга мансуб эди. Бугунги кунда Лувр

¹ Художественные музеи. Москва., 1988. 47 б.

музейида 35 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд бўлиб, улар орасида энг машҳурлари Леонардо да Винчи қаламига мансуб Мона Лиза, Милосслик Венера ҳайкали, Рембрандт ва Тициан асарлари ва бошқа кўплаб дурдоналардан иборатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, кўпчилик дунёда қайси музей энг катта ҳисобланади деган савол билан қизиқади. Бу саволга жавоб бериш қийин, чунки айримларни унинг баландлиги, бошқаларни майдони, учинчиларни ташриф буюрганлар сони қизиқтиради. Катта музейларга келсак, шуни айтиш мумкинки, бундан сал олдинроқ дунёдаги энг катта музей Лувр ҳисобланган. Бироқ ҳозирги кунда Лувр эгаллаган майдон бўйича 3 ўринда турибди экан.¹

Кўпчилик Луврни энг катта ҳисоблайди, чунки унинг майдони 160 минг квадрат метрдан ортиқдир Лувр каталогида 400 мингта экспонат бор. Кўрғазма 7 қисмдан иборат. Лувр коллекциялари энг бой ҳисобланади. Унинг жаҳондаги аҳамиятини баҳолаш қийин. Лувр 200 дан ортиқ вақт мобайнида инсониятнинг бадиий ва маънавий маркази бўлиб келмоқда.

Умуман олганда, дунёдаги музейлар жуда кўп. Сайёрамиздаги деярли ҳар бир мамлакатда ўз музейи бор. Музкй муассасаси – инсоният ютуқлари ривожланиш тарихининг сақловчисидир. Дунёдаги энг машҳур музейларга Лувр ва юқолрида келтирилган музейлардан яна Лондондаги Британия музей ва Миллий галерея, Москвадаги Третьяков галереяси, Нью-Йоркдаги Метрополитен-музей, Мадриддаги Прадо музейи, Санкт Петербургдаги Эрмитаж киради. Дунёдаги энг катта музей эса Токиода бўлиб, бутун дунёдан олиб келинган кўрғазмаларни ўзининг 14 000 квадрат метрга тенг майдонида намоиш этади. Японияда дунёдаги энг йирик музей бор. унинг қурилишига 90 миллион доллар сарфланди. Меъмор Кисе Курокава ҳам япон қурилиш анъаналари ҳам замонавий технологияларини ишлатди

¹ <http://woman-v.ru/samyj-bolshoj-muzej-v-mire.html>

Хуллас, дунёда музейлар жуда кўп ва ранг баранг. Ҳар бир мамлакатнинг уз музейлари бор. Энг машҳурлари Лувр, Британия ва Миллий галерея, Третьяков галереяси, Метрополитен, Эрмитаж, Прадо. Бу музейлар юз йиллаб энг ажойиб коллекциялар тўпланган.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ҳозирги замон музейлари маданий-тарихий ва табиий илмий кадриятларни мушоҳада қилишга мўлжалланган ижтимоий ахборот институтини ўзида намоён этади. Улар музей ашёларини ахборот воситасида муҳофаза қилиш, тўплаш ва тарқатиш, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган, ихтисослаштирилган маданий-маърифий муассасалар ҳисобланади. Музейлар нафақат табиат ҳамда жамиятнинг ноёб ва хилма-хил ашёлари хазинаси, балки муҳим илмий, маърифий-тарбиявий марказлари ҳамдир. Ўзбекистон ўз фуқаролари, хусусан ёшларнинг ўтмиш тарихининг ижобий воқеалари бўйича билимларини кўпайтириш, уларда ватанпарварлик, Она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга катта аҳамият бермоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, бу табаррук туйғу йўлчи юлдуз, ишончли компас бўлиб хизмат қилади. Тарихни билиш одамни маънан бой, кучли ва инсонпарвар қилади. «Маънавийлик, – деб ҳақли равишда таъкидлайди давлат раҳбари, – ўз халқи тарихи, унинг маданияти ва мақсадларини чуқур тушуниши ва билишига таянганида қудратли кучга айланади». Маълумки, сўнгги йилларда республика пойтахти, вилоят ва туман марказларида тарихий йўналишдаги қатор янги музейлар ташкил этилди, эскилари таъмирланди, экспозициялари тубдан янгиланиб, бойитилди. Замонавий музейлар мазмуни, асрлар давомида ижтимоий ахборотни тўплаш ва муҳофаза қилиш, музей ашёлари воситасида билим, анъана, тасаввур ва ҳиссиётларни ўзлаштириш ва янги авлодга узатиш муаммолари эътиборни ўзига жалб этмоқда. Музейлардаги илмий тадқиқотлар натижалари коллекция, экспозицияларни консервациялаш, таъмирлаш, сақлаш, муҳофаза қилиш, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, музей фаолиятининг бошқа турлари даражасини аниқлайди. Республика тарихий музейларида сақланаётган энг бой жамғарма тўпламлари: археология,

этнография, нумизматика, моддий ва маънавий маданият тарихи, ҳарбий тарих, геральдика, эпиграфика каби фанлардаги тадқиқотлар учун улкан база ҳисобланади. Зеро, тарихий музейлардаги илмий тадқиқот фаолияти бадиий ва ахлоқий қийматга эга янги тарихий маълумотлар олиш манбаи сифатида музей ашёларини ўрганиш йўли билан амалга оширилади. Музейларнинг яна бир муҳим жиҳати, уларнинг йирик тарихий шахслар ёки воқеа-ҳодисаларни ўрганиш учун барча маълумотлар мавжуд бўлган ягона ёки асосий марказ эканлигидир. Уларни ўрганиш улкан илмий ва ғоявий-тарбиявий аҳамият касб этади. Музей материалларини монография, илмий асарлар тарзида ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш халқимизнинг тарихий онгини бойитишга, уларда фахр ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ёрдам беради.

Фан ва техника тараққиёти илғор ютуқларининг бошқа соҳалар қатори музей ишига ҳам кириб келиши табиий ҳол бўлибгина қолмасдан, ҳаётий зарурият ҳамдир. Хусусан, 1990 — йилларда компьютерлардан музейшуносликда фойдаланиш, соҳа маълумот тизимини шакллантириш ахборотни тўлақонли етказиш имкониятларини кенгайтди. Музей муассасалари ягона тармоғининг яратилиши музей фондларини ҳужжатлаштиришда кўпгина қулайликларни туғдирди. Жумладан, экспонатларнинг тасвири рақамли фотокамера орқали бевосита компьютерга киритилмоқда. Уларнинг таҳлили ва бошқа маълумотлар илова қилиниб, эҳтиёж туғилганида мутахассислар томонидан қўшимча ва тузатишлар киритилади. Бу тадбир музей ишида доимий ҳаракатда бўлган каталог ва картотеканинг сифатини кескин яхшилашни таъминлайди. Интернет тармоғининг жорий тизими эса мазкур жараёни халқаро миқёсда фаоллаштириб юборди. Эндиликда ундаги «Музейлар», «Маданият» бўлимларига кириб, дунёнинг хоҳлаган музейини «томоша» қилиш, музейлар ҳақида умумий маълумотлардан ташқари фонд экспонати, янгилик, махсус тадбир ва илмий анжуманлар ҳақида, соҳанинг мутахассис ходимлари

манзили, уларнинг электрон почталари ва бошқа умумий маълумотларни олиш мумкин.

Интернет тармоғида икки ярим миллиондан ортиқ музей экспонатининг суратлари акс эттирилган картотека тизими мавжуд. Ўзбекистон музейлари ҳам интернетда ўзларининг сайтларини яратмоқда. Жумладан, Бухоро давлат меъморий-бадиий музей кўриқхонасида музей ходимларини шахсий компьютер техникаси билан таъминлаш масаласи ҳал этилмоқда. Музейлар интернет тармоғига уланиш, сайт яратиш ва маълумотлар базасини барпо этиш устида маълум ижобий ишлар амалга оширилди. Илк қадам сифатида музей фондидаги қўлёмалар тўпламини электрон лазер дискига кўчириш ишлари бошлаб юборилди. Лекин амалда республика музейларида бу ишлар анча суст бормоқда. Маълумки, музейларнинг асосий вазифаси ашёларни тўплаш, сақлаш ва намойиш этишдан иборат. Бугунги кунда музейлар замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ўз экспонатларининг сақланишини таъминлашлари мумкин. Зеро, аниқ ҳисобга олиш музей бойликларини ишончли сақлаш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бугунги кунда тарихчи, санъатшунос, музейшунос, тадқиқотчилар музей бойликларини кенг қамровли илмий тадқиқ этишда айрим муаммоларга дуч келмоқдалар. Аввало йирик музейларда жорий этилган тартиб-қоидалар четдан келган мутахассислар ва музей маъмурияти орасида келишмовчиликларга олиб келмоқда. Муаммонинг негизи пуллик хизмат турини таклиф этишдан иборат бўлмоқда. Фикримизча, республиканинг илмий муассасалари ходимларига маданий бойликларни ўрганишлари учун шароит яратилиши лозим. Сабаби, уларга бу хилдаги тадқиқотлари учун давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди. Қолаверса, бундай тадқиқотлар Ўзбекистоннинг илмий, маънавий-маданий тараққиётини, музейлар манфаатини кўзлаб амалга оширилади. Юқорида келтирилган сабабларга кўра, Ўзбекистондаги музейлар фондининг 70 фоизи ўзининг

фундаментал тадқиқотини кутиб ётибди. Кутубхоналарда мавжуд нашр этилган асарлар эса уларнинг 10 фоизини ёритади, холос. Бугунги кунда дунёдаги деярли барча нуфузли музейлар интернет тармоғи орқали узлуксиз чиқишлар қилиб, ўз сайтларини мунтазам янги ахборотлар билан тўлдириб бормоқда. Музейларда электрон ахборот тизимининг жорий этилиши, унда намойиш қилинадиган сайтларнинг шакли, тартиби, кўринишлари, тузилиши ва соҳанинг бошқа масалаларига бағишлаб қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси қошида музейлар учун электрон дастурлар яратувчи мутахассислардан иборат марказ ташкил этиш кун тартибидаги долзарб масаладир. Айнан шу марказ орқали Ўзбекистон музейларида маълумот тарқатиш ва сайтлар яратишнинг ягона тизимини жорий қилиш мумкин. Музейлар аҳолининг маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун аҳолининг кенг қатламлари уларда сақланаётган ашёвий бойликларни билиши, музейларнинг тадбирларидан хабардор бўлишлари керак. Сақланаётган осори-атикалар, ташкил қилинаётган тадбир, кўргазмалар ҳақидаги ахборотни аҳолига етказишда замонавий маркетингнинг ўрни беқиёсдир. Унга биноан музейга бормоқчи бўлган киши олдиндан унга нима таклиф этилишини билмоғи лозим. Музей маркетингининг мажбурий шарти, тадқиқот ўтказиш, у орқали реал кўрсаткичлар аниқланиб, музей олдига қўйган вазифаларга қиёсланади. Ушбу таққослаш режалаштирилаётган ишнинг мақсади, асосий йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, музейларда анъанавий ҳунармандчилик ярмаркаларини ташкил этиш, усталарнинг ўзлари ясаётган ашёларнинг тайёрланиш технологиясини намойиш этишлари ва сотишлари яхши натижа бермоқда. Музейларнинг ҳунармандларга хоналарни бепул ижарага бериши тавсия этилади. Ўзбекистонда бу борада дастлабки қадам Бухоро ва Хива музей-кўрикхонаси

томонидан қўйилди. Фондларни томоша қилишни хоҳловчиларга музей захираларини кўрсатиш учун экскурсиялар ташкил этиш ҳам яхши натижа беради. Реставрация ва консервациялашга оид ишларни томоша қилиш ҳам ташриф буюрганларда қизиқиш уйғотиши табиий. Музей қошида ташкил этилган магазин ва савдо шохобчалари орқали музей йўл кўрсаткичлари, тақвим-календарлар, кассеталар, китоблар, эмблемали сувенирлар сотилишини ташкил этиш лозим. Ўз бюджетини тўлдиришнинг ноанъанавий усуллари яратган музейлар ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги услубларини қўллаш орқали тўплаган маблағларига биноларни таъмирлаш, замонавий ахборот технологияларини, илмий тадқиқотлар учун жиҳоз-ускуналарни сотиб олиши, янги экспозиция, кўргазмалар ташкил этиш, экспонатларни тўплаш, реставрация қилиш ва ҳоказоларни бажариш имкониятига эга бўлади. Бу борада музей менежментининг ёрдами беқиёсдир. Менежмент тушунчаси ишлаб чиқаришни бошқаришдаги тамойил, услуб, шакллар, интеллектуал, молиявий ва бошқа ресурсларни ифодалайди. Бошқача айтганда, менежмент муассаса ва унинг аъзоларини бошқаришнинг назарияси ҳамда амалиётидир. Менежмент асосий омилларидан бири истиқболли режа бўлиб, уни яратиш давомида эришилмоқчи бўлинган мақсад ҳамда унга эришиш йўллари белгиланади. У музейда вужудга келган вазиятни батафсил ўрганиб, ажратилган маблағларни, шунингдек, ходимларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Менежмент ва маркетинг – бу фақат эришиш лозим бўлган фангина эмас, балки ўзига хос истеъдодни талаб қиладиган санъатнинг тури дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳам аста-секин музейларнинг бюджетдан ташқари таъминотиغا эътибор қаратиб, махсус ҳукумат, вилоят ва маҳаллий лойиҳа, конкурслар ўтказмоқда¹. Ҳозирги пайтда жаҳонда кўплаб ташкилотлар махсус маданият соҳасида хайрия дастурларини ишлаб чиқиш билан

¹ Музейларнинг долзарб масалалари // Тошкент оқшоми. 2013. 18 май.

шуғулланади. Уларнинг аксарияти турли фондлар томонидан молиявий таъминланиб, бу ёрдам грантлар сифатида бегараз молиявий ва моддий ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон музейлари ҳам турли фондлар билан ҳамкорлик бобида янги тажриба тўпламоқда.

Мустақиллик йилларида музейлар истиқболи шарт-шароитлари тадқиқ ва таҳлилидан шундай хулосалар билдириш мумкин: — бугунги кунда Ўзбекистон музейлари олдида иккита муҳим вазифа турибди. Бир томондан, одамлар онгида музей ҳақида ўрнашиб қолган эскича, ноўрин тасаввурларни ўзгартириш бўлса, иккинчи томондан, музей ходимларининг ташриф буюрганларга нисбатан муносабатининг ижобий жиҳатларини кучайтириш лозим; — инсонлар музейда ўзларини эркин ва ишончли тутишлари учун улар олдиндан ўзларининг ноўрин фикрларини ўзгартирадиган ахборот олишлари лозим; — музей аудиторияга ўз биносида ёки реклама орқали таъсир этиши мумкин. Шунинг учун рекламага пулни тежамай, уни профессионал даражада, музей учун ягона, чиройли кўринишда яратиш зарурлиги кўрсатилди. Ўзбекистонда музей ишларини яхшилаш ва такомиллаштириш учун юқоридаги барча фикр ва таклифларни ҳаётга татбиқ этиш ижобий натижа беради деган хулосага келиш мумкин.

Музей тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш .сақлаш,ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскан бўлиб,ўзининг экспозиция ва кўرғазмалари воситасида ташвиқот ва тарбиявий ишларни бажаради. Республикамизнинг турли шаҳарларида,жумладан, 1996 йил Тошкентда “Темурийлар тарихи Давлат музейи”, 2002 йилларда “Қатағон қурбонлари хотираси музейи” ҳамда Термизда “Археология музейи” ташкил топди. “Ўзбекистон тарихи Давлат музейи”, “Ўзбекистон Давлат санъат музейи” ва вилоятлардаги қатор музейлар қайта таъмирланди.Ҳозирги кунда республикамизда 1 минг 200 дан ортиқ турли йуналишдаги катта кичик музейлар фаолият кўрсатмоқда.

“Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш

тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил 12 январидаги ПФ-1913-сонли Фармони музейшунослар кўпдан кутган хужжат бўлиб, музейшунослик фанининг равнакига кўп йул очиб берди. Фармонда кўзланган мақсадлардан бири, республикамиздаги барча музейларни ягона бир тизимга бирлаштириш, яъни уларни маънавий бошқарувчи марказий раҳбар орган яратишдан иборат эди. Ўша Фармонга биноан янги ташкил топган “Ўзбекмузей” жамғармаси фаолиятининг биринчи кунлариданоқ ўзининг асосий йўналишларини белгилаб, амалга жорий этиш лозим булган вазифаларини аниқлади.

1. Республикамиз музейлари ўз йўналишларига қараб ҳалқимиз бой маданий меросини, унинг таракқиёт босқичларидаги ўрнини ҳаққоний акс эттириб, замон талаблари асосида истиқлол руҳидаги экспозициялар яратиши зарурлиги;

2. Асрлар давомида яратилиб, четга чиқиб кетган меросимизни Ватанимизга қайтариш;

3. Музейларни маънавият ўчоғига айлантириб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига давлатчилигимиз тарихига, қадимги асос солинган аждодларимиз меросига нисбатан ғурур ва фахр туйғусини сингдириш;

4. Музейларимиздаги бой экспонатларни, ютуқларимизни жаҳон жамоатчилигига танитиш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириб, вилоятлараро кўرғазмалар ташкил этишга кўмаклашиш;

5. Халқаро туризмни ривожлантириб, Ўзбекистон музейларига чет эллик сайёҳларни жалб этиб, уларга юксак маданий хизмат кўрсатиш;

6. Музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона руйхатини тузиш ишларида замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш ҳамда ноёб экспонатлар акс этган откриткалар, буклетлар, йўл кўрсатгичлар, каталоглар чоп этиш;

7. Кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий қараш мақсадида олий ўқув юртларига музейшунос олимларни жалб этиб, ўқитиш усулларини

такомиллаштириш. Ўқув машғулотларини амалий машғулотлар билан бирга олиб бориш, республикада етакчи музейларда музей ходимларининг малакасини ошириш.

Таклифлар

Сўнгги йилларда муҳтарам гулнора Каримова етакчилигида Ўзбекистон маданияти ва санъати фонд-форуми тизимида турли танловлар ўтказилмоқда. Ана шу танловда иштирок этаётган рассомлар, амалий безак санъати усталари ва бошқаларнинг қўли билан тайёрланган бетакрор артефактлари учун ягона катта музей қуриш лозим. Чунки бугунги кунга келиб, Ўзбекистондаги музейлар майдони кичик. Санъат музейи илгари ҳамма жойдан очик бўлиб кўзга кўринар эди, одамлар унга ташриф буюришар эдилар. Ҳозир эса кўримсиз аҳволга т ушиб қолган. Музейларни очик майдонда, кўзга кўринарли жойда, муҳташам ва гўзал бинога жойлаштиради, унга одамлар ташриф буюришади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.,1998.
2. “Ўзбекистон музейлар ишини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳақида” Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Узб.Абадиёти ва санъати 1998 й. 10 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 1998 й.12 январ // Мозийдан садо, 1999 й.№ 1-2.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи, 1996 йил, 18 октябр.
5. Алпатов М.В. Этюды по истории западноевропейского искусства. М., 1963.
6. Кириенко Е.М. Исторический музей.М.,1984.
7. Коен А.А. Рождение музея.М., 1980.
8. Криворученко В. К. Музеи политической истории: проблемы прошлые и современные // Электронный журнал «Знание. Понимание. Умение». — 2010. — № 6 - История.
9. Музееведение. – Москва, 1988.
10. Малафеев А.Народные галереи.-Л., 1982.
11. Музей и современность - М., 1976
12. Музей-заповедники. М., 1991
13. Музей и школа. - М., 1985.
14. Музееведение.Музей исторического профиля.М., 1988.
15. Музееведение. Учебное пособие.- М., 1986.
16. Музеи // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 86 томах (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.
17. Музейларнинг долзарб масалалари // Тошкент оқшоми. 2013. 18 май.
18. Общественные музеи в Узбекистане. - Т., 1980.

19. Очик осмон остидаги музей. Т., 1981.
20. Очерки истории искусств. М., 1987
21. Пардаев М.Х., У байдуллаев И.Х. Ўзбекистонда музейлар иши, музей коллекциялари фанидан маърузалар матни. – Жиззах, 2007.
22. Садиқова Н. Музейное дело в Узбекистане. Т., Фан, 1977.
23. Сапанжа О.С. Современный художественный музей: на службе человечеству или человеку? // В поисках музейного образа: Материалы науч. конф. СПб, 2007. С. 6-17.
24. Содикова И. Маданий ёдгорликлар хазинаси.- Т.:Фан, 1981.
25. Содикова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши. Мозийдан садо, 1999. №1-2.
26. Сулаймонов А. Музейшунослик. Ўқув услубий мажмуа. Гулистон, 2011
27. Художественные музеи. Москва., 1988.
28. Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. — М.: РУССКОЕ СЛОВО-РС, 2003
29. Ўлжаева Ш. Музейшунослик. Т., 2002
30. <http://www.zamondosh.uz/rangin-dunyo>
31. <http://www.ambafrance-uz.org/Luvr-muzeyi-delegatsiyasining>
32. <http://samogo.net/articles.php?id=2058>
33. www.wikipedia.org
34. www.arthistory.ru
35. <http://woman-v.ru/samyj-bolshoj-muzej-v-mire.html>
36. <http://www.nga.gov/>
37. www.ziyonet.uz

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....
АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....
1-БОБ. МУЗЕЙЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....
1.1. Музейларнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти.....
1.2. Тарихий музейларнинг пайдо бўлиши.....
1.3. Ўзбекистон музейлари – тарихимиз кўзгуси.....
2-БОБ. ДУНЁДАГИ МАШҲУР МУЗЕЙЛАР.....
2.1. Дунёдаги энг яхши музейлар ўнталиги.....
2.2. Франциядаги Лувр музейи – жаҳондаги энг нуфузли музейдир.....
2.3. Дунёдаги энг гўзал музейлар.....
2.4. Дунёдаги 10 та энг эски музейлар.....
Хулоса ва тавсиялар.....
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....